

Боқий фикр

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Иелом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 22-fevral, shanba № 16 (8665)

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури "Ўғрисиди"га қарори ёшуб қилинди. Шунининч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллиги-

мизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг манткий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамохангдир. Ҳеч шубҳасиз,

ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахтсаодати, ёруғ келажagini кўришни ниёт қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун гоят муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, "Соғлом она — соғ-

лом бола" дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажакимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизimini тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий моде-

ли шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

(Давоми 2-бетда.)



ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎПИДА

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, мустақил ва соғлом фикрлайдиган инсонлар этиб тарбиялаш — мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий таълим муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тошкент вилояти Ўртачирчқ туманидаги 48-умумтаълим мактабига 613 нафар ўқувчи қирққа яқин малакали педагог-ўқитувчи замонавий асосларда таълим-тарбия бераётди.

2009 йилда амалга оширилган реконструкция ишларидан кейин мактаб нафақат кўркам ва замонавий қиёфа касб этди, балки замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган синф ва лаборатория хоналарига эга бўлди. Ушбу лаборатория хоналарида ўқувчилар физика ва кимё фанларини, мультимедия билан жиҳозланган синфларда эса чет тилларни қизиқиш билан ўрганмоқда.

Мактабда фаолият кўрсатаётган турли йўналишдаги тўғаракларда ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказиб, аниқ ва гуманитар фанлар ҳамда чет тилларни қўшимча ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда.

Суратда: инглиз тили ўқитувчиси Севара Ражабова ўқувчилар билан дарс пайтида.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Тошкентда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзусидаги ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик давлат куриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари асосий қадриятга айланган, қонун устуворлиги таъминланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳонда кенг эътироф этилган ислохотларнинг "Ўзбек модели" давлатимиз томонидан мамлакатимизнинг ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича танланган йўлнинг асосига айланди. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бу борадаги ислохотларнинг асосий тамойилларидан биридир.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди малакаларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси

Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида янги босқич бўлганини алоҳида таъкидлади.

Учинчи секторнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мақсадида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳар йили фуқаролик жамиятида рўй бераётган жараёнларнинг тизимли мониторингини ва таҳлилини ўтказиб келмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада оширишга бағишланган турли тadbирлар ташкил этмоқда.

Навбатдаги мониторинг натижалари сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида қонунларга риоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилгини таъминлаш устидан жамоатчилик мониторингини ўтказишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайганини кўрсатди.

(Давоми 7-бетда.)

"ҲУНАРСИЗ КИШИ ҲАМИША ФОЙДАСИЗ БЎЛУР..."

Ўқитувчи "Коллежни тугатган шогирдларингиз қаерда ишлаяпти?" деган саволга ички бир мамнуният билан жавоб берди:

— Ўқувчиларни амалиётга олиб борганимда коллежимизни тамомлаб меҳнат қилаётган, жамоада ўз ўрнини топган қўллаб шогирдларини учратаман, — дейди Гулсара опа.

5-бет

ОИЛА ОШИЁНИ УНДАН ҲЕЧ БИР ГЎДАК МУСУВО БЎЛМАСИН

Муассасада шинам ётоқхона, замонавий ўқув хоналари, кўрғазма зали, ошхона, ўқув зали, кутубхона, спорт зали, 4 замонавий тиббиёт хонаси ҳамда спорт мажмуаси тарбияланувчилар ихтиёрида. Аммо улар ҳар қанча эъзозланмасин, уларга қанчалик гамхўрлик кўрсатилмасин, болаларнинг гап-сўзларидан ўз оиласида бўлишни жуда-жуда истаётганини англаш қийин эмас.

9-бет

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГА БУЮҚДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сўнги ўн йилда давло-лаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблаг йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида тугма нуқсонли болалар тугилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умумий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг аққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортқ, болалар musiqa ва сан'ат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблаг йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида омалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шахарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003—2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003—2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта

эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўриқни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабга-ча таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустақамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлигини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустақамлаш, авваламбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малякали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутати, бу масала ҳануз долзарблигича қолмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилди. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсдаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар тугилиши, таълимлашга қўмақлашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта

килий-хуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиология барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги тахрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидадир.

"Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жараҳат етказувчи ахборот таъсириндан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғибига йўл қўймагликнинг таъсирчан ташкилий-хуқуқий механизми кўзда тутилди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида оилада меҳроқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустақамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзгор юмушларини енгилаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объектилари барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданга ва дам олиш марказларининг моддий-техник

базасини мустақамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзгор юмушларини енгилаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг яқка тартибдаги уйлар қурилади. Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узок мuddат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фойзсиз ссудалар берилди. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар тугилиши ва уларнинг саломатлигини мустақамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаш бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва давлолаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиология барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикасидир. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакцина-

ларнинг босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизни қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўламини кенгайтирилади.

Йил давомида мактабга-ча таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустақамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомилдор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида мактабга-ча таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустақамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиликларни қуришга йўналтирилган аниқ ва зифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

"Баркамол авлод" болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга қўмақлашади.

Бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1—4-синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши назарда тутилган.

2014—2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

"Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига қўмақлашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистон

(Давоми 3-бетда.)

2014-yil 22-fevral, № 16 (8665)

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

(Давоми.

Боши 1-, 2-бетларда.)

тондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа улашиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамжўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015—2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизикarli тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, "Она юрт наволари" халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, "Энг ёш ихтирочи" танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумта'лим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-хунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумта'лим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет

тиллар бўйича мультимедиа иловали дарсликлар бепул берилди.

Эзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7 минг нафар бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика кўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусиқа-театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикеңлик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпладдаги кишикийим ва 3,1 миллион нусха-

да дарслик, ўқув қуроллари бепул берилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илгор тажриба» мавзусида халқаро форум ўтказилади.

Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда

маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, гуғуримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътиром ифодаси, деб биламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорда маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

ЎЗА

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ТАЛАБА-ҚИЗЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан талабалар турар жойларида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази мутаассаддилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларга, айниқса, ўсмир қизларга пухта билим бериш, уларни 12 йиллик таълим билан тўлиқ қамраб олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий касб-хунар сирларини ўргатишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида барпо этилаётган ўқув масканлари, ёшлар ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари қизларнинг бегубор орзу-ниятлари рўёбга чиқишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат си-

ёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қизларга кўрсатилаётган ғамжўрликни янада кучайтириш, уларни спортга кенг жалб этиш, таълим, турмуш шароитларини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида 258 мингдан ортиқ талаба, ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида қарийб 1 миллион 640 минг нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида 1031 талабалар турар жойлари мавжуд.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган қизларнинг билим олишга бўлган иштиёқини янада кучайтириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, соғломлаштириш акциялари ўтказилмоқда.

Кўмита томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда талабалар турар жойларидаги

ҳолатни чуқур ва атрофлича ўрганиш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан тадбирлар ўтказилмоқда.

— Институтимизда бакалаврият йўналишида 3200 нафардан ортиқ талаба таҳсил олади, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг проректори Муборак Аҳмедова. — Талабалар турар жойларида муҳитни ўрганиш, долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этишда ҳокимликлар, хотин-қизлар кўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ижтимоий ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани яхши натижа бермоқда. Факультетларо танловлар, спорт мусобақалари, илмий-маърифий анжуманлар мунтазам ўтказилаётгани ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

Талаба ва ўқувчилар турар жойларида маиший шароитни янада яхшилаш, маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, «Энг озода турар жой» танловини ўтказишга оид режалар белгиланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг муҳим бўғинидан бири ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидир. Вояга етаётган ҳар бир йигит-қиз муайян касб-хунарга эга бўлиши, меҳнат бозори талабига мос мутахассис бўлиб етишиши мазкур тизимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

БИТИРУВЧИНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Айни кунларда жойларда касб-хунар коллежлари битирувчиларига уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашганлик тўғрисидаги сертификатлар топшириш тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд санъат коллежида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчиларни ишга жойлаштираш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айлангани, жорий 2013/2014 ўқув йилида шаҳардаги мавжуд 27 касб-хунар коллежини 12401 нафар йигит-қиз битираётгани, уларнинг барчасини шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан биргаликда эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётгани тўғрисида атрофлича фикр юритишди.

— Битирувчиларнинг иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди Самарқанд педагогика коллежи директори С.Усмонов. — Уларни ўқитиб, етук мутахассис сифатида корхона ва ташкилотларга боришини таъминлаш асосий вазифа. Энг муҳими, бугун корхона, ташкилотлар раҳбарлари касб-хунар коллежлари битирувчиларига юксак ишонч билдириб, уларни ҳеч иккиланмай ишга қабул қилишмоқда.

Айтиш жоизки, битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлашда ишлаб чиқариш амалиётларининг ўрни алоҳида. Аксарият ўқувчилар амалиёт давомида ўз маҳоратини намоён этиб, ўша жойнинг ўзида ишга жойлашмоқда.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Пойтахтимизда Республика Маънавият тарғибот маркази ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида "Энг фаол ёш тарғиботчи" кўрик-танлови ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги амалий чора-тадбирларни бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

"Энг фаол ёш тарғиботчи" кўрик-танловидан кўзланган мақсад умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим масканларида таҳсил олаётган ёш тарғиботчиларнинг билим ва савияси, маҳоратини оширишга қўмаклашишдан иборат. Унда пойтахтимиздаги мактаб, коллеж ва лицейларда билим олаётган фаол ёшлар иштирок этди.

Ижодий-интеллектуал лойиҳа давомида иштирокчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини нечоғлик тўғри тушуништи олиши, ҳориқий тилларни пухта ўзлаштиригани, нутқ маданияти каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Танлов якунларига қўра, республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гулшано Хайдарова ҳамда Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицей ўқувчиси Бахриддин Гобов биринчи ўринга лойиқ топилди.

❖ **Термиз шаҳрида "Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури — Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш" деб номланган лойиҳанинг тақдими ўтказилди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан қатор чет эллик компаниялар ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа кичик бизнес корхоналарининг самардорлигини юксалтириб, ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ва янги иш ўринлари ташкил этишга мўлжалланган.

Икки йил давом этаётган мазкур лойиҳанинг мақсади вилоятда тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қўмаклашишдан иборат. Шунга мувофиқ лойиҳанинг тренинг машғулотларида салоҳиятли тренер ва менежерлар тайёрланади. Маҳаллий тадбиркорлар учун Европа мамлакатларида тажриба алмашиш ва малака ошириш имконияти туғилади. Бу жараёнда чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишув битимларини тузиш учун шароит яратилади.

❖ **Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Республика "Хунарманд" уюшмасининг Мўйноқ тумани бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда мутахассислар ва каштадўз хунармандлар иштирок этди.

Қадимий миллий қадриятларимиздан бўлган хунармандчилик мустақиллик йилларида қайта тикланди, соҳа кишилари қадр топди. Халқимизнинг бую маданият мероси ва миллий анъаналарини ўзига тўла ифода этган каштачилик бугунги ёшлар томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Иштирокчилар уюшманинг Мўйноқ тумани бўлими қoшида ташкил этилган "Қорақалпоқ чевари — Манзура" корхонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Қорақалпоқ миллий либослари, нақшлар, либослар учун турли хил безаклар тайёрланаётган корхонада 12 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган.

— Бу ерда қизларнинг каштачилик сирларини кунт билан ўрганиши, уни ижодий бойитиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди нуқсулик хунарманд Зухра Султонова. — Моҳир усталардан сабоқ олаётган ёшлар яқин йилларда ўз кашталари билан ҳориқликларни ҳам мафтун этишига ишонамиз.

Тадбир доирасида қўли гул усталар, моҳир тикувчилар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилди.

❖ **Наманган вилоятида электрон ҳукуматнинг афзалликлари ва самараларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати, компьютерлаштириш маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Айни пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ягона тизмига уларш, улар ўртасида электрон ҳужжат айланиши тизимини йўлга қўйиш мақсадида "Маҳалла", коллеж ва лицей ўқувчилари, битирувчилар тўғрисида ягона электрон базани шакллантириш бўйича "Ө-коллекж", "Уй-жой қурилиши мониторинги" каби қатор ахборот тизимларини яратиш устида иш олиб беришмоқда.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Давра суҳбатида долзарб мавзу

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, жиноятчилик ва турли иллатларга қарши манзилли профилактик чораларни тизимли амалга ошириш, баркамол авлодни тарбиялашда оила — маҳалла — таълим муассасалари ҳамкорлиги самардорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йиғилишда коллеж ўқувчи ва ўқитувчилари, Тошкент автомобиль йўллар институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университетининг профессорлари, шунингдек, ҳудуддаги «Чарх Камолон-2», «Чарх Камолон-3», «Лутғий» маҳаллалари фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, ота-она-

лар иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар юртимизда таълим тизимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталдилар.

— Маҳалламизда истиқомат

қилувчи ҳар бир ёш, бизнинг доимий назоратимизда, — деди «Лутғий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, профессор Р.Каримов. — Биз уларнинг чуқурроқ билим олишлари, касб-ҳунарни пухта эгаллашлари ва, айниқса, ёшларимизни ҳеч қачон бекор қолмасликларини кузатиб борамиз ва зарур пайтда уларга қўмак берамиз.

Йиғилиш сўнггида ўқувчилар, маҳалла фаоллари томонидан берилган саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтардилар.

Шавкат ЁКУБОВ

Меҳр қолур, муҳаббат қолур...

Муҳаммад Юсуф нафақат дилга яқин сатрлар ёзган оташқалб шoir, балки исте'dодли ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижодий парвоzigacha кенг йўл очиб берган кўнгли тоза, камтарин инсон эди.

Ўзбек халқининг бой тарихи, бугунги ёруғ кунлари, орзу-интилишлари ҳақида жўшиб-ёниб ижод қилган шoir таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан турли бадиий кечалар ташкил этилмоқда.

Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ шoirи Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» хотира кечаси ўтказилди.

Шoir билан елкама-елка яшаб, ижод қилган шoirа Назира Саломова, ёзувчи ва таржимон Маъсура Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фиёс Бойтоев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Муслимбек Йўлдошев шoir ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хотираларини ўқувчиларга сўзлаб бердилар.

— Ўқувчилар Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир шеърини жон дили билан ёд олишади. Тадбирда фаол қатнашиб, шoir шеърларини ёддан ўқиган ўқувчиларимиз орасида адабиётга, шеърятга қизиқувчилари жуда кўп, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Шарофат Тошмирзаева.

Назoкат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Коллежда маҳорат дарслари

Андижон давлат университети педагогика факультетининг "Чизмачилик ва тасвирий санъат" кафедраси ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабалари Жалақудуқ енгил саноат коллежида маҳорат дарсларини ташкил этишди.

Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг эстетик дидини ўстириш ва яроқсиз ҳисобланган нарсалардан санъат намуналарини ярата олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлди. Машғулотларда 1 ва 2-

босқич ўқувчилари иштирок этди. Улар атирсундан суденир, чинор баргларидан атиргул ва қаймоқ идишидан ваза, оддий иш қўлқопдан турли юмшоқ ўйинчоқлар ясашни ўрганиб олишди. — Инсоннинг қўли гул,

деганлари тўғри, — дейди 3-босқич ўқувчиси Райхона Каримжоновна. — Машғулотларда одатда ташлаб юбориладиган нарсалардан кимгадир тақдим этишга муносиб буюмлар ясаш мумкинлигини билиб олдик. Бунинг учун озгина ҳафсала ва кунт бўлса кифоя экан.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Дарс — муқаддас

Юнусобод туманидаги 17-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази томонидан "Умумтаълим мактаблари ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишда илгор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Семинар «Дарс — муқаддас», «Ўрган-ўргат», «Соғлом муҳит — соғлом жамоа» тавсиялари асосида, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчилари ва ёш

мутахассисларнинг дарсларини замонавий усуллар, илгор технологиялар, АКТдан фойдаланган ҳолда ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

— Тарих дарсларида бадиий-тарихий адабиётлардан фойдаланиш, маълумотларнинг ўқувчилар онгига тез этиб боришига хизмат қилади — дейди туман ХТМФМТЭ бўлими методисти Элёр Мусахонов — Давлат ва ҳуқуқ асослари фани машғулотларида ҳам илгор технологияларни жорий этиш ўқувчиларнинг қизиқишини оширади.

Фурқат АЛИМАРДОНОВ

Мактабларда адабиёт кунлари

"Тугол" ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг Миробод ва Ҳамза туманларидаги умумтаълим мактабларида адабиёт кунлари ўтказилмоқда.

Адабиёт марафони 213-умумтаълим мактабида «Тугол» ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан тайёрланган китоб кўргазмаси билан бошланди.

Марафон кунининг иккинчи ярми мушоира билан давом этди. Мактаб ўқувчилари Алишер Навоий ва Бобур ғазалларидан ёд ўқидилар. Шoir ва таржимон Яхё Тоға муфтоз адабиётимизнинг нафис қалам соҳиблари ҳақида гапириб, ўз шеърларидан ўқиб берди.

— Бу каби адабиёт кунларининг ўтказилиши болаларда

китобга меҳрни кучайтиради, — дейди китоб кўргазмаси ташкилотчиси Насиба Аманкелдиева. — Шундай экан, биз ёшларни китоб мутолаасига қизиқтириш учун бундай кўргазмаларни мактабларда тез-тез ўтказиб туришимиз керак.

Адабий марафоннинг иккинчи кунини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев олиб борди. Ёзувчи ўқувчиларга болалик даври ҳақида гапириб берди. Сўбат ғазалчилик билан давом этди. Шеърхонликдан шoir Рустам Мусурмон иштирок этиб, шеърларидан ўқиди.

Адабий марафоннинг учинчи кунини 8—9-синф ўқувчилари ўртасида билимлар баҳси интеллектуал ўйини ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида 206, 212, 215-умумтаълим мактаблари ўқувчилари ахборот-кутубхона марказида ташкил этилган муфтоз шеърятимиз намоёндаларига бағишланган китоб кўргазмаси билан танишдилар. Муфтоз шеърятимизнинг ёрқин шахслари ҳақидаги адабиётлар шарҳи савол-жавоблар билан якунланди.

Тўртинчи кунини бир гуруҳ театр актёрлари иштирокидаги театрлаштирилган чиқишлар бўлиб ўтди.

Давронбек РАЖАБОВ

2014-yil 22-fevral, № 16 (8665)

Назарий билимлар ўқувчилар томонидан нечоғлик пухта эгалланмасин, амалиёт яхши ташкил этилма-са, кўникма ва малака борасида бўшлик мавжуд бўлиб қолаверади. Шу боис бугун юртимиздаги касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг амалий кўникmalarини бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада пойтахтимиздаги Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежида ўзига хос тажриба мавжуд.

Бу йил мазкур коллежни 210 нафар ўқувчи тикув-трикотаж ишлаб чиқариш техник-технолог, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори ҳамда бухгалтерлик ихтисослиги бўйича тамомлайди. Бухгалтерия йўналиши кўп коллежларда борлиги учун 2012 йили унинг ўрнига учта янги — гилам ишлаб чиқариш, трикотаж ишлаб чиқариш, тўқимачилик ишлаб чиқариш техник-технолог мутахассисликларига қабул йўлга қўйилди.

— Бугун кечаги тушунча, тажриба билан ишлаш мушкул, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Ҳожия Акрамова. — Шу боис ўқувчиларга таълим бериш, уларни амалиётга жалб этишда ўқитувчиларимиз янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга ҳарат қилишяпти. Қолаверса, улар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва Ўрта махсус, касб-хунар таъли-

ти чекланган жамияти билан қизларимиз гилам тўқиш технологиясини ўзлаштиришга, усунани уйларига ўрнатиб, амалиёт ўташига келишдик. Бунинг афзалликлари кўп. Биринчидан, қизлар уйда, ота-оналарининг кўз олдига хунар ўргангани. Иккинчидан, корхонага бориб-келишга сарфланган вақти ва маблағини тежайди. Учинчидан, ўқувчиларнинг амалиёти ҳам рисоладагидек ўтиши баробарида, тўқиган гиламлари учун корхонадан иш ҳақи олишади. Боз устига, уйда бўш ўтирган ука-сингли-

даланаяпмиз. Шунингдек, ўқувчини баҳолашда тенгдошларининг фикрини инобатга олаётганимиз ҳам яхши самара берапти. Баъзан ўқитувчи паст баҳо қўйса, бу ўқувчига адолатсизликдек туюлиши мумкин, бироқ яқин дўст-дугоналари уни яхши билгани, қўлидан нима келишини ўзи яхши тушунгани учун эътироз билдирмайди.

Ўқитувчи "Коллежни тугатган шогирдларингиз қаерда ишлаяпти?" деган саволга ички бир мамнуният билан жавоб берди.

— Ўқувчиларни амалиётга олиб борганимизда коллежимизни тамомлаб меҳнат қилаётган, жамоада ўз ўрнини топган кўплаб шогирдларимни учратаман, — дейди Гулсара опа. — Бундан тўрт-беш йил аввал коллежимизни тамомлаган Света Миронова деган шогирдим модельер бўлиб ишлаяпти. Яқинда "Орзу" корхонасида коллежимизни тугатган ет-



Jarayon

"ХУНАРСИЗ КИШИ ҲАМИША ФОЙДАСИЗ БЎЛУР..."

шиб кетдим. Бунда, албатта, коллежда тажрибали ўқитувчиларимиз берган сабоқлар ва ишлаб чиқариш таълими устalarидан ўрганганларим наф берапти.

Хунар барибир керак

— Айрим ота-оналар қизи коллежни тугатиши билан даров тўй таррадудига тушиб қолади. Тўғри, шарқона менталитетимизда қиз болани муносиб жойга узатиш, унинг бахтини ўйлаш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ота-оналар қизи коллежни тамомлагач, бир-икки йил корхоналарда ишлашига имкон беришса, назаримизда, ҳамма учун фойдали бўлади, — дейди коллеж директори Раъно Исмоилова. — Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Баъзи йигитлар уйлангач, турмуш ўртоғи уйда ўтиришини истайди. Бироқ рўзгор катталашгач, аёл кишининг ҳам ишлашига эҳтиёж пайдо бўлади. Шунинг учун хунар доим керак. Қолаверса, "Хунар, хунардан унар", "Хунар — зар" деган мақоллар бежиз айтилмаган. "Қобуснома"ни ўқисангиз, шундай ўғитга қўзингиз тушади: "Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамisha фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас".

Раъно опа қуйинганича бор. Ўқувчи коллежни тамомлагандан сўнг ҳам бир йил давомида ўқитувчилар унинг қаерда ишлаётганидан хабардор бўлиши керак. Бу, табиийки, коллеж ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

ти нафар ўқувчимиз билан учрашдим...

Гулсара Аҳмаджонова коллеж ўқувчиларига мўлжалланган учта ўқув услубий қўлланма муаллифи. Унинг "Аёллар жакети деталлари" ва "Боғча ёшидаги қизлар кўйлагини тикиш" каби қўлланмаларидан ўқувчилар самарали фойдаланишмоқда. Ўқитувчи эндиликда гилам тўқиш бўйича методик қўлланма яратиш устида иш олиб борапти.

"Технологик харита" адаштирмайди

Коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Наргиза Худоерова кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори мутахассислиги бўйича 3-босқич ўқувчиларига ўқув амалиётини дарс беради. Унинг дарси ўтиш методи бошқа ҳамкасблари услубидан бироз фарқли.

— Ўқувчиларга дарс ўтишдан олдин уларни уч гуруҳга — модельер, технолог, конструктор гуруҳларига ажратаман, — дейди Наргиза Худоерова. — Биринчи гуруҳга либос чизмасини, иккинчисига бичишини ва учинчи гуруҳга тикишни топшираман. Бу методнинг афзаллиги шундаки, бир аудиторияда ўттиз ўқувчи бўлса, ҳаммаси бир хил вазифа билан машғул бўлиб, зерикиб қолмайди. Алоҳида гуруҳларга бўлиниб иш олиб борганда жамоавий ҳаракатланиш руҳи шаклланади. Бир-бирининг фикрини тўлдириб, ўзини кўрсатишга интилади. Ўқувчиларга кўпроқ мустақил иш беришга ҳаракат қиламан. Бу усул ёшларнинг эгаллаётган касбига ижобий, муносабатни шакллантириш билан бирга, уларни янгилек қилишга ундайди. Шунингдек, "Кластер", "Ақлий ҳужум" методлари ҳам яхши самара берапти.

Нигора Худоерова дарс самарадорлигини янада ошириш

мақсадида ҳар бир ўқувчига мавзуга оид "технологик харита" тарқатади. Дейлик, мавзу эркаклар костюмининг тикиш бўлса, "технологик харита"да унга доир барча зарур матълумотлар — костюмнинг бичими, чўнтақлари, елка ва енг ўлчами ва бошқалар акс этади. Бу кейинчалик ҳам ўқувчига муҳим ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Амалиёт таассуроти

Шоира Қосимова Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежнинг 3-босқич ўқувчиси. Тикув-трикотаж техник-технологийўналиши бўйича тахсил олади. Айтишича, болаликдан тикувчиликка қизиқиши боис шу касб сирларини пухта ўрганиш иштиёқи билан мазкур коллежга ўқишга кирган.

— Амалиётни "Фортуна текс" корхонасида ўтадим, — дейди Шоира. — Коллежда олган билимларим амалиётда асқотди. Корхонада бичиш-тикишнинг энг оддий жараёнидан мураккабига бўлган вазифаларни мустақил бажариб кўришга ҳаракат қилдим. Аввалига уддалай олармиканман деб иккиланган бўлсам, кейин жараёнга мосла-

Хулоса ўрнида

Республикамизда енгил саноат нечоғлик ривожланиётганини билиш учна қийин эмас. Бозорларимизга кириб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлик билан сотилаётган либосларнинг кўплаб турларини учратасиз. Сифатини, тикилиш услубини кўриб, "Ростдан, ўзимизда ишлаб чиқарилаятими?" деб ҳайратланишингиз ҳам мумкин. Қолаверса, кўнақўйда юрганда "Малакали бичувчи-тикувчиларни ишга оламиз", "Тажрибали модельерларга сардаромад иш" деган эълонларни кўп кўраимиз. Демак, соҳани яхши биладиган, сир-саноатидан яхши хабардор мутахассисга эҳтиёж юқори.

Ортимиздаги қўлай ишбилармонлик муҳити, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва хунарманликка қаратилаётган юксак эътиборни ҳисобга олганда, нафақат Олмазор енгил саноат коллежини тугатган, балки юртимизнинг барча ҳудудларида соҳа бўйича таълим олаётган ўқувчилар бугунги кунимиз, келажақ учун зарур кадрлар эканига ишонч қилади киши. Зеро, яхши мутахассисга доим иш ўрни тайёр.

Хайридинмурод АБУЛҲАЙЗОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



ми тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида янги тажрибаларни ўрганиб, ёшларни бугунги кун талаби даражасидаги мутахассислар этиб тайёрлашга интилишмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш таълими усталари корхоналарнинг ўзида бевосита янги технологиялар билан танишишлари мумкин. Мисол учун, "Алкимтекс" корхонаси билан шартнома тузганмиз. Коллежимиз ўқитувчилари корхонада илгор тажрибаларни ўрганиб, малака ошириш имконига эга.

Коллеж битирувчилари иш топилганда унча қийинчилик сезмайди. Сабаби, "Фортуна текс", "Прима тексти", "Муруват текс", "Алкимтекс", "Sprantex" сингари корхоналар ўқувчиларнинг амалиётдан ишга жойлашишигача бўлган жараёнда коллеж билан ишончли ҳамкорлик қилаяпти.

Гиламни уйда тўқишоди

Гилам ишлаб чиқариш техник-технологийўналиши бўйича амалиётнинг янги қўриниши йўлга қўйилган.

— Гилам тўқиш — биз учун янгилек — дейди Ҳожия опа. — Биз "Қайс-гилам" масъулия-

лари, оила аъзолари ҳам уларга кўмаклашиш асносида хунар ўргангани.

Ўқувчини ўқувчи баҳоласа...

Коллежнинг тикув-трикотаж ўқув устахонасида амалиёт қизгин. Бир-бирдан эпчил, чаққон ўқувчилар Японияда ишлаб чиқарилган замонавий "JUKI" тикув машинасида бежирим костюм тикаяпти. Яна бир гуруҳ қизларга эса ишлаб чиқариш таълими устаси матони чизма асосида бичишни тушунтираяпти.

— Ўқувчилар билан ишлашнинг ўзига хос нозик томонлари бор, — дейди ишлаб чиқариш таълими устаси Гулсара Аҳмаджонова. — Бунда педагог психолог ҳам бўлиши керак. Негаки, бу ёшда ўқувчилар таъсирчан бўлади. Қолаверса, ҳамма бир хил яхши ўзлаштиришмайди, амалиётда оқсайдиганлар билан дарсдан кейин ҳам шуғулланишга тўғри келади. Ўқувчиларга ҳадеб бир хил услубда дарс ўтиш ҳам уларни зериктиради. Шу боис янги педагогик технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Масалан, илгари ўқувчини баҳолашда бироз қаттиққўллик қилган бўлсак, энди рабатлантириш усулидан фой-

ТИНГЛАШ, ГАПИРИШ ВА ЎҚИШ-ЎЗИШ

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб 1-синф ўқувчилари қаторига хорижий тилнинг киритилиши мамлакатимиз умумтаълим муассасалари ҳаётида муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга Самарқанд вилоятидаги барча умумтаълим мактабларида жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қўшработ туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 26-умумтаълим мактабида хорижий тилларни ўқитиш бўйича тўпланган тажриба ҳудуд миқёсида эътироф этилган.

хорижий тилни ўргатишда ўқувчиларда ушбу малакаларни шакллантиришга алоҳида эътибор зарур

...1-синфда инглиз тили дарси. Фан кабинетига болалар диққат-эътиборини телевизор, компьютер ва видеопроектор ўзига жалб қилиб турарди. Турли оилавий шароитда туғилиб, онги шаклланаётган болаларнинг бири жуда зийрак, иккинчиси ўрта даражада, учинчиси эса қайта-қайта тушунтирилган қабул қилади. Қайси ўқувчи қандай бўлмасин, дарсда ҳар бирига ўтиладиган мавзуга оид билим ва тушунча бериш керак.

Тажрибали муаллима Гулсара Эсонова гўёки рол ўйнаётгандек имо-ишора қилади, баъзида ҳайратлангандек кўзларини катта-катта очади, гоҳо эса рад этиш маъносиде бошини қимирлатиб, «пов» (йўқ) дейди. Агар болалар саволга тўғри жавоб берса, хурсанд қиёфада «yes, yes» (ха) дея жилмади. У синф жамоасини гоҳ жўровоз бўлиб йил фаслларини айтишга чорлайди, гоҳ қўллари билан баҳорда

ёмғир кўпроқ ёғишини кўрсатиб, бошқа фасллардан фарқли жихатини сўрайди. Қизиқувчан ўқувчилар образга киришаётган муаллимдан кўз узишмайди, у айтган сўзларни тинмай такрорлашади. Шунда Гулсара Эсонова «perfectly» (етарли) деб қўяди.

Муаллима ўйинчоқлар номини сўрайди. Қани, болаларнинг эслаб қолиш қобилияти қандай? Чакки эмас, ўқувчилардан бир нечаси ўйинчоқ номини янглишмасдан инглиз тилида айтади. Буни қарангки, доскага чиққан ўқувчиларга ўйинчоқ етмай қолди. Ҳечқиси йўқ, қолган ўқувчиларга ранг-баранг шарлар бор. Ахир, бола рангларни ҳам фарқлай билиши керак. Муаллима шу тарзда баҳс-мунозарани давом эттиради...

Дарсини четдан туриб кузатган киши муаллима 45 дақиқа ичда гуруҳдаги ҳар бир боллага «нимадир» улаша олганига ишонч ҳосил қилади.

— «Kids' English» дарслигида боланинг ёш хусусиятлари инобатга олинган. Биз ўқитувчилар бу ўқув адабиётдан амалиётда унумли фойдаланаямиз. Дарсда кўпроқ ўйин ва мулоқот муҳитини яратишимиз керак. Чунки энди мактабга чиққан болада уйнашга, ўйинчоқлар оламига, нарса-буюмларни ўз тасаввур асосида бўйша мойиллик қилиб бўлади. Дарс жараёнида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги мультиме-

Jarayon

диа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида яратилган электрон манбаларни намойиш этганимизда, ўқувчилар янада жонланади. Бунинг афзал томони шундаки, бола слайд орқали нафақат буюм ва нарсани кўриб, тасаввур бийида, балки инглизча талаффуз кўникмаси ҳам ҳосил қилинади. Хорижий тилни ўрганишда энг муҳим компонент — тинглаш, талаффуз қилиш, ўқиш-ёзиш ҳисобланади. Агар бола тўғри талаффуз қилишни ўрганса, ёзиш малакасини ҳам осон эгаллайди. Бир-бирига узвий боғлиқ бу жараёнларга дарс ўтишда эътибор беришимиз керак, — дейди ўқитувчи Гулсара Эсонова.

Мактабда 2-, 3-, 4-синф ўқувчиларига ҳам инглиз

тилини ўргатиш мақсадида тўғрақ машғулотлари олиб борилаяпти. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтида ўтказилаётган машғулотлар 5 нафар инглиз тили ўқитувчисига тақсимлаб берилган. Бу ҳақда муаллима Насиба Давлатованинг фикрини келтириш ўринлидир:

— 2—4-синфларга тўғрақ машғулотларини ўтиш бизга педагогик юклама қилиб белгиланган. Бу синфларда тахминан 250 нафар ўқувчи бўлиб, машғулот жадвалини тузишда уларнинг дарсдан ташқари вақтини инобатга олганмиз. Ўқув йили охирига қадар қўлимиздаги кўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг инглиз тили грамматикаси, ўқиш-ёзиш, сўз ёдлаш малакасини имкон қадар кучайтиришимиз керак. Келгуси ўқув йилидан инглиз тилини ўрганишга киришадиган 5-синф ўқувчилари тўғрақ машғулотлари орқали ўқув дастурларидан хабардор бўлиб борадилар. 2—3-синфлар ҳам мустақил равишда тил ўрганиш муҳитига мослашмоқда.

Ҳар бир фан сингари хорижий тилларни ўқитиш сифатини яхшилашда ҳам ўқитувчиларни мақсад сари йўналтириш мактаб раҳбарияти ҳамда услубий бирлашма зиммасига катта масъулият юклайди.

— 9 нафар ўқитувчи хорижий тиллар услубий бирлашмасига бириккан бўлиб, ҳар ойда йиғилиш ўтказиб туришади, — дейди директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ойсара Жумаева. — Чорак якуни бўйича ўтказилган йиғилишда ўқувчилар билим самарадорлиги чуқур таҳлил қилинади. Бу йил 1-синфларга инглиз тилининг ўқитила бошлангани ўқитувчиларимиз масъулиятини янада оширди. Улардан 1 нафари Самарқанд вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтига ўқиб қайтди. Яна бирининг иш тажрибаси аввал туман миқёсида оммалаштирилган бўлса, энди вилоят доирасида ҳам бунга эришиш мўлжалланмоқда.

Болага ўз она тили билан бир вақтда чет тилини ҳам ўргатиш катта меҳнат талаб қилади. Ҳар бир таълим даргоҳи бу жараёнга аъёнанавий ва ноанъанавий тарзда ёндашади. Натива эса йиллар ўтиб маълум бўлади. Қўшработ туманидаги 26-умумтаълим мактабини бундан уч-тўрт йил муқаддам битирган собиқ ўқувчилардан 65 нафарининг 2013 йилда турли олий ўқув юртиларига қабул қилингани педагогларнинг кўп йиллик меҳнати мевасидир, аслида. Улар орасида инглиз филологияси факультетига ўқишга кирган ёшлар кўпчилики ташкил этади.

Хулқар ТҶИМАНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида бўлиб ўтган видеоконференцияда чет тилларни ўрганишнинг такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, тажриба-синов жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди. Унда тажриба-синов жараёнига бириктирилган барча масъул ходимлар, экспериментатор-ўқитувчилар, методистлар, малака ошириш институтларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда дарслик муаллифлари қатнашди.

маҳсули ҳақида дастлабки муносабатларни ўрганиш имкониятига эга бўлди, — дейди немис тили дарслиги муаллифларидан бири Манзура Дадахўжаева.

Экспериментатор-ўқитувчилар дарслиқдаги мавзуларнинг кетма-кетлиги, уз-

АРМ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

Бугунги ахборот асрида кутубхоналар фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, ахборот-ресурс марказлари ходимларининг малакасини ошириш таълим тизимининг муҳим талабларидан бири.



Айни шу мақсадда Юнусобод туман Ахборот-ресурс марказида «Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ахборот-ресурс марказининг роли» мавзусида семинар ўтказилди. Семинарда иштирокчилар ахборот-ресурс маркази фаолияти, унда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, кутубхоналар соҳини янада кўпайтиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

— Семинарда мактабда фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказлари ходимларига ишни самарали ташкил этиш юзасидан зарур маълумотлар, тавсиялар берилди. Шунингдек, ўқувчиларни китобга ошно этишга қаратилган «Китобхоналар байрами» тадбирларини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассиси Дилором Юсупова.

Тадбирда «Еш китобхоналар тўғраги» фаолиятини намунали тарзда олиб бориш хусусида таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

О. ҚУЛМУРОВА
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ТАЖРИБА-СИНОВ ЖАРАЁНИ

видеоконференцияда муҳокама қилинди

Жорий йилнинг 13 январидан 20 мартга қадар 2-синф чет тили ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларининг ўқувчилар ёши ва психо-физиологик хусусиятларига, ДТС ва ўқув дастурларига мослиги тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда таянч мактаблар ва экспериментатор ўқитувчилар, масъул методистлар ҳамда илмий раҳбарлар саралаб олинган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ўқув йилининг учинчи чораги давомида 2-синф учун инглиз тилидан 80та мактабда, 28та мактабда немис ва 28 та мактабда

француз тили дарслик мажмуалари тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Инглиз тилидан 160 нафар, француз тилидан 40 нафар, немис тилидан 43 нафар махсус тайёргарликдан ўтган тренер ўқитувчилар тажриба-синов майдонларига бириктирилган.

— Ушбу дарсликлар бўйича экспериментатор ўқитувчилар, уларга бириктирилган масъул ходимларнинг фикрлари биз учун жуда муҳим. Уларнинг ҳулосалари асосида янги ўқув йили бошлангунига қадар дарслик мажмуаларига керакли тузатиш ва тўлдиришларни киритишимиз лозим. Мазкур видеоконференцияда меҳнатларимиз

вийлиги, фанлараро боғлиқлиги, расмларнинг тасвирланиши, мавзуга мослиги, ўқувчиларга мустақил бериладиган топшириқларнинг ифодаланиши, осон ўзлаштиришга йўналтирилганлиги борасидаги мулоҳазаларини билдирдилар. Бундан ташқари, ўқитувчи учун тайёрланган методик қўлланмадаги мавзулар бўйича технология, методларнинг тўғри танлангани, ўргатиш учун тавсия этилган қўшқ, шеър ва ўйинларнинг мавзуга мослиги, қизиқарлилиги, ўқувчиларни зериктириб қўймаслигига доир дастлабки кузатувлари билан ҳам таништириб ўтдилар.

Азиз НОРКУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

2014-yil 22-fevral, № 16 (8665)

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу борада мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланиши, унинг институтлари ташкил этилиши ва мустақамланиши йўлида зарур шароитлар яратишга қаратилган қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, касаба уюшмалари, ОАВ, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Булар фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этиб, фуқароларни муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш жараёнига фаол жалб этиш имконини бермоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожланишига қўмақлашмоқда. Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ, сўнгги беш йилда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларига муҳим давлат дастурлари ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун 28,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Фуқаролик жамияти — ривожланган демократик давлатнинг асосидир, — деди элчи, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. — Ўзбекистонда фуқаролик жамияти фаол ривожланмоқда. Ушбу жараёнда биз ҳам иштирок этиб, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти каби ташкилотлар билан аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилаётганимизни таъкидлашни истардим. ЕХТга аъзо давлатлардаги халқаро экспертларни тақдир этган ҳолда тадбирлар ўтказмоқдамиз, уларда иштирокчилар тажриба алмашиб, билимларини бойитмоқда.

2013 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу қонун жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масалаларини ҳал этишда фаол қатнашиш имконини яратди. Нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришга қўмақлашиш мақсадида 2013 йил 12 декабрда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмақлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобот топшириш тартибларини соддалаштириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, давлат божи ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг раъизларини давлат рўйхатига олиш учун тўланадиган йиғимлар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, давлат рўйхатига олиш бўйича муносабатларнинг адлия органлари томонидан қўриб чиқиш мuddати қисқартирилди.

Конференцияда нодавлат нотижорат ташкилотларининг янада ривожланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини қучайтириш мақсадида "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларни тез мuddатларда қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоатчи-

лик назоратини амалга ошириш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқларини белгилаб берадиган қонунчилик талабларини бугунги учун давлат органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишни назарда тутидиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳам муҳим масала бўлиб қолмоқда.

— Ўзбекистонда давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда, — деди «Ўзбекистондаги минтақавий мулоқот» халқаро ноҳукумат ташкилоти (Словения) минтақавий директори Мьюша Север. — Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган йилнинг охирида қабул қилинган қарорда ННТларни рўйхатдан ўтказиш тартиби жиддий равишда соддалаштирилгани, уларга қўшимча имконият ва имтиёзлар берилгани бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли ННТларнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий фаолияти ортиб, фаолият самарадорлиги юксалди.

Конференцияда фаолияти миллий қонунчилик ва халқаро стандартларнинг барча меъёрларига мос келадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижобий тажрибасини қўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг давлат ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдаги роли қайд этилди.

Мамлакатимизда яратилган мустақам қонунчилик базаси ва қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли нодавлат нотижорат ташкилотлари сони йилдан-йилга ортиб, уларнинг фаолияти самарадорлиги ва сифати юксалиб бормоқда. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, адлия идораларида рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 7,8 миңдан ошди. Ҳолбуки, 1991 йилнинг бошида мамлакатимизда атиги 95 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритар эди. Бугунги кунда тадбиркорлик ва фермерлики ривожлантиришга ёрдам берадиган тузилмалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳудудий бўлинмаларининг салмоқли ўрни бор. Ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ажратилаётган грант маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини молиялаштириш ҳамжи кенгаймоқда. Масалан, агар 2009 йилда уларга 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 2,7 миллиард сўмга етди. Шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг муҳофазасига нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларини жалб этиш ўсиб бораётгани ҳам таъкидланди. Хусусан, 2013 йилда улар "Экологик назорат тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ва "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва муҳофазаларида, шунингдек, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида иштирок этди.

— Бундай муҳим тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қатта эътибор қаратилаётганидан, айна пайтда энг муҳим давлат дастурларини амалга оширишга ноҳукумат ташкилотлари жалб қилинаётганидан далolat беради, — деб таъкидлади БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Яко Силлерс. — Мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларга ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол жалб қилиниши ва уларнинг иштироки Ўзбекистоннинг узоқ мuddатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб беради. Ушбу конференция ҳам бугунги кунда давлат сектори тадбиркорлар, учинчи сектор вакиллари билан янги иш ўринлари яратиш, солиқлиқ сақлаш тизимини янада такомиллаштириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш каби масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганидан далolat беради.

Конференцияда иштирок этган хорижлик мутахассислар мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани, уларни янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш бўйича самарали давлат сиёсати амалга оширилаётганини алоҳида эътибор этди. Мустақил ОАВнинг жамоатчилик назорати тизимидаги роли алоҳида қўриб чиқилди ва ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунларини ўзда муҳассас этган мустақам қонунчилик базаси бу борада муҳим дастурлар бўлмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ОАВ мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилгандаги ролини оширишда навбатдаги қадам бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сонининг изчил ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, 1991 йилдан бунён уларнинг сони 291 дан 1372 га етди. Шу ўринда уларнинг 62 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари эканини қайд этиш керак.

2013 йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бора-сида муҳим воқеа бўлди. Ҳуқуқий эксперимент ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар жалб этилди. Мазкур жараён фуқаролик жамияти салоҳиятидан фойдаланишнинг янги усули самарадорлигини яна бир бор тасдиқлади. Айна пайтда ҳуқуқий эксперимент натижалари инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилган қонун лойиҳаси парламентимизнинг қўйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Конференция доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг туган ўрни ҳам қўриб чиқилди. Маърузачилар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунда ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқий асослар тўғрисида фикр юритди. Мамлакатимизда қонунчилик асосида қўлпартиявийлик тизими ва сиёсий плюрализмни ривожлантириш учун ҳам шароит яратилган.

2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунга халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида партия гуруҳлари ваколатини қучайтиришга йўналтирилган ўзгаришлар киритилди.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти — маҳаллага алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллик йилларида маҳалла жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган адолатли институт сифатида тан олинган ноёб тузилмага айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалланинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу қучли давлатдан қучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигидан далolat беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, 2013

йилда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маолаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар янги тахрирда қабул қилинди.

Айна пайтда мамлакатимизда 9,7 миңдан ортиқ фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган навбатдаги сайловда 9756 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99,6 миңдан зиёд маслаҳатчиси сайланди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирган 30 дан ортиқ вазифани бажариб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг манфаатлари ҳимосини таъминлашга оид қўллаб масалаларни самарали ҳал этмоқда.

Конференция иштирокчилари фуқаролик онги ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг юксалиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини аниқлаш, Ватанга, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш бўйича чоралар қабул қилинган.

2013 йилда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан таълим муассасалари ўқувчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти фаоллари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаолияти янада юксалганидан далolat бермоқда. Хусусан, сўровда қатнашганларнинг 95 фоизи қонунга доимо риоя этиш зарурлигини билдирган. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини яхши билиди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқсун қадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрғаниш ишини яхшилаш ҳақида"ги фармони ва 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилди. Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал базасини тубдан ислох қилиш ва яхшилаш учун асос яратилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Очиқ муҳофазалар давомида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида мавжуд камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятларга эътибор қаратилди ва таҳлил қилинди. Конференция якунида жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда ОАВнинг ролини қучайтириш, сиёсий партияларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучайтириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш зарурлиги қайд этилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БАЙРАМ

Наврўз байрами шу муборак заминда ўзига хос маданиятни бунёд этган эзгу аждодларимизнинг яратувчилик, янгиланиш билан боғлиқ ҳаётбахш ғояларини ўзида мужассамлаштирган бетакрор бадий қадриятимиздир. Асрлар оша сайқал топган бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуглаб, халқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва қут-баракати тиллаш ғоясини жо этиб келган.

"Navro'z — 2014"



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий ўзликини аниқлаш, бебаҳо маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш жараҳида Наврўз байрамини янгича маъно-мазмун билан бойитишга, унинг замиридаги эзгу аъёнани аниқлаш, аниқлаш, ёш авлодга тўғри етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратишда Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиш, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуглаш, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Мамлакатимиз ҳудудидаги қадимги қоятош суратларида акс эттирилган аждодларимизнинг деҳқончилик маданияти аъёнани оид лавҳалар, "Авесто" яшларидида ўз ифодасини топган мифологик тасаввурлар, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Наршахий, Маҳмуд Қошғарий, Носируддин Рабўзий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби улуг мутафаккирларимизнинг асарларида келтирилган қимматли маълумотлар юртимизда Наврўз байрами бундан тўрт-тўрт ярим минг йил муқаддам вужудга келиб, халқимизнинг умидбахш шодиёнаси сифатида асрлар бўйи нишонланиб келинаётганини кўрсатади.

Юртимизнинг табиий иқлим шароити — дарёлар сувининг мўл бўлиши, қуёш ҳароратининг ҳосил этилиши учун етарли даражада экани, тупроқнинг унумдорлиги она диёримизда қадимдан суғорма деҳқончилик шаклланиши ва тараққий этиши учун қулай имкониятларни юзга келтирган. Серҳосил водийларда келиб чиққан деҳқончилик маданияти аъёнани экин экиш,

уни парварилаш ва ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш муддатларини аниқ белгилашга асосланган. Бу йил фасллари алмашинуви ҳамда ой ва қуёш ҳаракатини муттасил кузатишни, мўайян вақт ҳисоби амалларини қўллашни тақозо этар эди. Бинобарин, аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор аъёнани, осмон жисмлари ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари Наврўз байрамининг келиб чиқишига асос бўлган.

Абу Райҳон Беруний Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, "шу кунни худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёриткичлар (сайрдан) тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, ниҳоят у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган"ини қайд этган. Бу ушбу айёмнинг келиб чиқиши она сайёрамизга ҳаёт бахш этиб турган қуёшнинг улуглаш ва само жисмларини кузатиш аъёнани билан бевосита алоқадорлигини кўрсатади.

Қадимда аждодларимизнинг турмуш тарзида серҳосиллик ва қут-баракати ғоясини мужассамлаштирган мавсумий маросимлар ҳамда деҳқончилик маданияти аъёнани билан алоқадор рамзий расм-русумларни ўтказиш ўзига хос аъёнани тусини олган. Бундай маросимлар орасида қуёшнинг ҳамал буржига ўтиши ҳамда янги меҳнат мавсумининг бошланиши муносабати билан ўтказилган баҳорий тенгунлик — йилбошини қаршилаш алоҳида ўрин тутган. Қадимий деҳқончилик маданияти асосини ташкил қилувчи яратувчилик, ҳосил-

дорликни улуглаш билан боғлиқ ана шундай баҳорий маросимлар асосида Наврўз байрами келиб чиққан.

Наврўз байрами бойчечак, лола, қизғалдоқ билан алоқадор "гул сайллари", ариқ-зо-вурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган "ҳашар", йилбоши арафасида қилинадиган "қозон тўлди" удувлари, илк кўкламда далага биринчи марта қўш чиқариб, дон экишга оид "шоҳ мойлар" маросими, етти хил дондан "наврўз гўжа" пишириш ҳамда етти хил кўклатдан кўк сомса тайёрлаш одати, аргимчоқ учиб, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учуриш, қўқор, хўрос, тўя уриштириш аъёнани ҳам ўз ичига олган. Бу удул ва аъёнанининг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, улар замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари мужассам.

Шу боис бу қадимий байрам эзу юртини бирлаштирадиган, одамларни бунёдкорликка ундайди, дилларни меҳр-мурувват нури ила ёритади. Наврўз дунёдаги энг қадимги суғорма деҳқончилик маданияти асосида юзга келган учун ҳамиша ризқ-рўзимиз манбаи табарук заминини севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам муъжизаларидан баҳра олишга, ўрикнинг оппоқ гулларию қоқилларнинг гуналаридидаги бетакрор гўзалликни дилга жо этишга ўргатади.

Халқимиз бадий-эстетик тафаккурининг ноёб жаҳоирларидан бири бўлган Наврўз замирида аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб бугунги замондошларимиз қарашларига бўлган маънавий тушунчалар мужассам. Бу байрам тарихий эврилишлар давомида маданий тараққиётнинг ҳар бир ютуғидан қувват олиб ривожланди.

Истиқлол эпкинилари мамлакатимизда маънавий-руҳий қадриятларни тиклаш ҳамда аждодларимизнинг эзгу аъёнанини кенг оммалаштиришга аста-секин йўл очди. Юртимиз раҳбари Ислам Каримовнинг қатъияти ва жасорати туфайли ҳали мустабид тузум парчаланмаган бир пайтда — 1990 йил 3 майда "Наврўз халқ байрамини ўтказиш ақунлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат асрлар давомида халқимизни эзгу манзиллар сари қорлаб келган бу беназир аъёнанига қайтадан ҳаёт бахш этди, унинг кенг қўламада байрам қилиниши, барча узвларининг янгидан тикланиши ва гўзал шодиёна сифатида нишонланиши учун кенг йўл очиб берди.

Ушбу фармонга биноан мамлакатимизда Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ҳамда унинг таркибидидаги бадий-эсте-

тик қадриятлар, урф-одатлар, эзгу ғояларни ўзида мужассамлаштирган баҳорий одатлар, кўкламининг ҳаётбахш кудратини тараннум этувчи фольклор асарлари, халқ амалий санъати ва миллий хунармандлик аъёнанининг тикланиши билан боғлиқ изчил жараён бошланди.

Президентимизнинг асрий қадриятларни асраш ва ривожлантириш йўлидаги мислсиз жасорати туфайли деярли унутилиш арафасига келиб қолган кўлаб аъёнани ва маросимларимиз қатори Наврўз ҳам чин маънода эъзоз топди. Ўтган йиллар давомида халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ барча қадимий қадриятлари нафақат асл қиёфасига қайтди, балки мазмун-моҳияти бойини ва эзгулиги билан йўғрилган янги қирралари янада сайқал топди. Жумладан, кўпқари, кураш каби миллий ўйинларимиз, аргимчоқ учиб, варрак учуриш, қўқор уриштириш аъёнани, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишлари, лапар, ўлан, алла оҳанглари, қўли гул хунармандлар ясаган ранг-баранг амалий санъат намуналари, дорбоз, аскиячи ва қизқичларнинг томошалари, маҳалла-қўй ободлиги, оилалар фаровонлиги, муҳтож кишиларга хайр-саховат кўрсатиш билан боғлиқ удувларнинг янги талқинлари бу байрам янада ўзгача файз бағишламоқда.



Бугунги кунда мамлакатимизда Наврўзнинг кенг нишонланиши ҳамда уни халқимиз маданий меросининг нодир дурдоналаридан бири сифатида изчил тараққий эттириш учун қонуний асослар яратилган. Наврўз нишонланадиган 21 март санаси юртимизда дам олиш кунини деб эълон қилинган.

Наврўзни ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитиб бориш борасидидаги салмоқли ишлар самарасида бу байрам халқимиз фаровонлиги, юртимиз осойишталиги ва тараққиётимизнинг ўзига хос тамойилларини намойиш этадиган муҳташам тантаналардан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкило-

ти Бош ассамблеясининг 2010 йил 23 февралда қабул қилинган қарорига биноан 21 март бутун дунёда Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилинди. Наврўз байрами ЮНЕСКО томонидан жаҳонда халқлари номоддий маданий мероси дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилди. Бу халқимиз маънавий-маданий гултожи саналмиш Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига нақадар муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Наврўзни номоддий маданий мерос объектларидан бири сифатида муҳофаза қилиш ва ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, таъриб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурига мувофиқ Наврўз байрамини илмий ўрганиш, муҳофаза қилиш ва тарғиб этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилаётди.

Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одадийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиклиб келгани,

2014-yil 22-fevral, № 16 (8665)

Баҳор. Осмонда чарх уриб учаётган қалдирғочлар жуфт-жуфт бўлиб энг осойишта хонадонларни таллаб, айвонларга ин қўйишди. Бироз вақт ўтгач полапонларнинг чий-чий қулоққа чалина бошлади... Бир куни қалдирғоч уясида битта боласи беҳосдан ерга тушиб қетди. Полапон жуда кичик, ҳимоясиз. Инча қараб тумшукчасини чўзганча тинчлик чийиларди, ота-она қалдирғочлар эса унинг тепасида чарх уриб айланарди. Токи хонадон эгалари полапонни инча солмазунча қалдирғочлар боласидан узоқлашмади. Бу ҳолатни кўриб қалдирғочларда ҳам инсонларга хос хусусият борлигини англадим. Ошларварлик, болага меҳр, оталик ва оналик масъуляти бу инсонга хос хислатлардир. Шундан бўлса керак, қалдирғочлар уя қурган хонадонда тинчлик, хотиржамлик ҳукм суради. Меҳр-оқибат бардавом бўлади.

Одам боласи меҳр аталмиш туйғудан яралган, назаримда. Она вужудидаги муштдек юрак ўзи билан бир олам орзуларни улгайтиради. Оиланинг катталари ўғил фарзанд туғилса паҳлавон, қиз фарзанд туғилса оқила бўлиши тилаб дуо қилади. Вақт-соати етиб дунё юзини кўрган гўдак эса, ўз йиғиси билан

Устознинг кўрсатмасига қараб ўқувчилар уларни бирма-бир ўқиб, жавоб қайтара бошладилар. Орқа партада жимгина ўтирган Жаҳонгирча «Сиз нимани қадрлайсиз?» деган савол тушди. Буни кутмаган эканми, у бироз ҳаяжонланиб, ўйчан кўзларини ердан узмай: «Мен онамни қадрлайман. Ота-онам,

ку! Уларга ишониш, мустақил, эркин бўлишларига имкон яратишимиз керак. Мана, ҳозир ёши катта болалар укалари билан сартарошхона, кўшимча дарслар ва спорт тўғрақларига ўзлари бориб келади. Албатта, улар буткул назоратсиз қолдирилмайди.

Директор опанинг сўзларини тинглаб, болажонларни кузатаман. Бу бегуноҳ болаларнинг айби нима экан? Нигорон кўзлари кутишдан чарчанган...

Дераза оша ҳовлига қарайман. Кенг стадионда болалар самолёт моделини учриш билан овора. Бу ўғил-қизларнинг бўш вақти мазмуни ўтаётганидан далолат. Болаларнинг олинга бориб самолётини завқ билан учираётган Диловар Зиёратовни гапга тутамиз.

— Яқинда ўтказилган «Ёш ихтирочилар» мусобақасида ясаган самолётини юқори баҳо олди. Устозим менга учин

қарли ўйинлар уюштирилар экан.

— Ҳар бир ўқувчининг иштиёқини аниқлаш мақсадида анкета саволлари тузиб, суҳбатлар ўтказилади. Очиқ машғулотлардан сўнг ҳар бир бола билан яқка тартибда ишлаймиз, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Бибиҳол Каримова. — Дарсда электрон воситалардан фойдаланилади. 48та компьютеримиз бор. Болаларга бошланғич синфлардан бошлаб «Power Point» дастурида турли шакллар чишишни ўргатиб, мавзуга дахлдор тасвирлар яратишни сўрайман. Шунда улар дарсда олган билимларини мустаҳкамлайдилар.

Муассасада еттига фан тўғраги, репетиторлик хизмати, спорт секцияларида машғулотлар замонавий интерактив усулда олиб борилади. Болалар ёши, иқтисоди, қизиқишлари инobatта олинган ҳолда тўғрақларга жалб қилинади.

кинтойлардан бири ухлашни хоҳламай, ойнадан мўлтирабгина кўчага боқади. Унинг ҳаёли тарбиячи ифодали ўқиётган эртақда эмас, бошқа нарса билан банд: кўчадан нигоҳини узмасди. Биз ҳам беихтиёр болакай тикилган томонга кўз ташладик. Икки фарзандни етаклаб кетаётган аёл уларнинг ўйинқароқлигига шерик бўлиб йўлида давом этарди. Боланинг тенгқурларига ҳаваси келаётганини сезиш қийин эмасди. Унинг ёнига бориб, гап билан чалғитишга уриндик. Қанча гапирмайлик, бола барибир ойнадан кўз узмасди. Кетишга чоғланганимизда қараоватдан сакраб тушиб, ёнимизга келди-да: «Агар оймани кўрсангиз, мен уни қутаётганимни айтинг, тезроқ келиб мени олиб кетсин», деди дадил. Дона-дона айтилган бу сўзлар узоқ вақтгача қулоғим остида жаранглаб турди.

Меҳрибонлик уйдан узоқлашар эканман, «Гуноҳкор бандаларнинг бегуноҳ норасидалари айби нима? Бу уларнинг қисмати? Ёки

ОИЛА ОШИЁНИ

ундан ҳеч бир гўдак мосuvo бўлмасин

атрофни ларзага келтиради. Гўёки энди у ҳам дунё гамларига, шод-хуррамликларига шаерик. Гўдак гул япроғига ўралган каби меҳр тафтидан ўса бошлайди. Яралиш бахти шу бўлса, не ажаб.

Лекин инсонлар орасида шу бахтдан воз кечиш, тубанлик сари юз тутганлар ҳам бор. Туғруқхонада дув-дув гап тарқалди. Эмишкчи, иккинчи палатадаги жувон эндигина туғилган ўғил фарзандини ташлаб, қочиб кетибди. Бир энлик хат, икки оғиз сўз: «Мени кечир, болам». Воқеага гувоҳ бўлган аёллар ўз фарзандларини янада қаттиқроқ бағрига босдилар. Шифокорлар ҳар ёққа зир югуришди. Энди жуда кеч. Бола эса, дунёдаги энг катта бойлигидан айрилганини сезибми, чинқириб йиғларди. Худди бояги қалдирғочнинг полапонидек. Ахир, жондан азиз фарзанди, юрак пораси, жигаргўшасини ташлаб кетганларни кечириб мумкинми?

Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйи ҳақида кўп эшитганман. Болалар ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида у ерга йўл олдим. Кўпқаватли уйлар орасида замонавий тарзда қад ростлаган бинонинг йўлаклари анвойи гуллар билан безатилган. Бегона кишининг келганини пайқатган болалар дераза ошса бизни кузатардилар. Муассаса директори Дилбар опа Сувонова билан дарсхона томон юрдик.

Бу дарсадан ташқари ўтиладиган тарбиявий соат экан. 5-синфнинг ўн икки ўқувчиси икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ «Меҳр», иккинчиси «Камолот» деб номланган. Доскага ёпиштирилган сунъий гул барглариинг орқасига саволлар беркирилган.

ака-укам, опа-синглим бўлишини хоҳлайман», деди. Унинг қалбидаги ўксик изтироб юз-қўзида акс этганди. Жаҳонгирни тинглаётганларнинг ҳам кўзлари ёшланди...

Турли сабаблар туфайли бу ерга келиб қолган болалар нигоҳида нимагадир илҳақликни кўриш мумкин. Ҳар пайшанба ўтиладиган одобнома дарсида болаларга катталарга ҳурмат, кичикларга иззатли бўлиш, дўстона муносабатларни қадрлаш, оиладаги тарбиявий масалалар ўргатилади. Бу масканда 3—16 ёшдаги 77 ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларга 24 педагог ва 13 малакали тарбиячи беририлган.

Муассасада шинам ётоқхона, 37 гуруҳ хонаси, 15дан ортиқ ўқув хонаси, кўрғазма зал, кенг ошхона, катта ўқув зали, кутубхона, спорт зали, 4 замонавий тиббиёт хонаси ҳамда спорт мажмуаси тарбияланувчилар ихтиёрида.

Дам олиш хонасига қараб юрдик. У ерда қичик ёшдаги болалар тизилишиб мультфильм томоша қилаётган экан. Меҳмон келганини билиб биз томонга югурган жажжи ўғил-қизларни бирма-бир бағрига босган директор шундай деди:

— Боланинг бегонаси бўлмайди. Ҳар бир бола ўз фарзандимдек. Уйда ўғил-қизларимизни қандай тарбияласак, бу ердаги болаларга ҳам шундай муносабатда бўлишга уринамиз. Илгари уларнинг сочини олдириш учун сартарош қақирардик ёки ёши каттароқ болаларни ҳам тарбиячи қўлидан етаклаб юрарди. Кейин ўйлаб қолдим: уйга сартарош қақириб ёки кимнингдир назоратида боламизнинг сочини олдирмаймиз-

мосламасини ясашда кўмаклашди. Катта бўлсам, албатта, учувчи бўламан. Ниятлар — ўзимизнинг самолётларда учиб бутун дунёни кўриш...

Орзулари осмон ёшларни кўриб хурсанд бўласан киши. Маскандаги тикувчилик ва пазандалик тўғрақларида қизлар Уғлоной Нарзуллаевадан миллий таомларни пишириш сирларини ўрганишмоқда. Сездикки, бу ер қизларнинг севимли маскани. Қизлар уй-рўзғор ишларига тайёрланса, ўғил болалар хўжалик ишларига жалб этилган. Бунини масканда каттагина иссиқхона ташкил этилгани, ҳовлидаги анвойи гулларнинг яшнаб туришидан кўриш мумкин.

— Илгари гулларни бозордан харид қилардик. Энди бу гул ўстиришни ўғил болаларнинг ўзлари уйдаяпти, — дейди Дилбар Сувонова. — Қузда гулларни тувакларга экиб, иссиқхонада парвартишлаймиз. Баҳорда уларни сотамиз. Бу иш ўғил болалар учун жуда қизиқ. Ўзлари етиштирган меваларни дастурхона кўриб, янада завқланадилар. Бу уларнинг келажакдаги ҳаёти учун ҳам фойдаланилади.

Ошхонага йўл олдик. У ерда ўғил-қизларнинг соғлом, бақувват бўлиши учун овқатланиш тартибига қатъий риоя қилинади. Тарбияланувчилар беш маҳал овқатланади. Ошхона жиҳозлари тоза-озода, саранжом-сарипа.

Энди дарс ўтиладиган хоналарга қараб юрамиз. Педагог ва тарбиячилар болаларнинг рисоладагидек таълим-тарбия олиши учун тажрибаларга таяниб ишламоқда. Фан машғулотлари тугагач, қизи-



Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйи ўқитувчиси Биби-хол Каримова ўқувчилари билан машғулот вақтида.

«Чоршанба — спорт куни» деб эълон қилинган. Бу кунда турли мусобақалар ташкил этилади. 20 ўғил бола кўл жанги, 25 нафари эса каратэ билан шугулланади...

Тарбияланувчилар бир-бирига «сиз»лаб мурожаат этишга татбиқини эшитиб қолдик. Далер қўлида ширинлик ва ўйинчоқлар ўтиладиган «Болаларни Муқаллас опам олиб келдилар», дейди. Билсак, содбик битирувчи Муқаллас Холниёзова (ҳозир Термиз педагогика коллежиде ўқийди) биринчи стипендиясини олгач, хурсандчилигини укалари билан баҳам кўрибди.

— Бу ерда тарбияланиб, ҳозир коллеж, лицейда ўқиётган йигит-қизлар тез-тез ука-сингилларини йўқлаб туришди, — дейди тарбиячи Гулбаҳор Жўракулова. — Айрим йигитлар маош ола бошласа, тарбияланувчиларга ҳомийлик қилиш истагини билдиришди. Бундан бошимиз кўкка етди. Ҳеч бир эзгу амал жавобсиз қолмас экан.

Ётоқхонага кирдик. Тушликдан сўнг болалар дам олишга тараддулланаётган экан. Айримлари қараоватларга жойлашиб олган. Кич-

кимнингдир шармандалик ботқоқидан кутулиш чорасими?», деган ўйлар ўтади ҳаёлимдан.

Нега одамзот ўз ошиёнига шошади, нега юраги безовталанса, дарров фарзандларини ўйлайди, «Болаларим тинчмикан?», дейди беихтиёр. Дунё ташвишларидан чарчаб уйга келганда боламизнинг шодон кулгусини эшитиб, барча ҳорғинликлардан халос бўламиз. Ахир, фарзанд бизга берилган энг азиз неъмат!

Ҳар бир бола ўз оиласи, ота-онаси даврасида улгайсин. У ҳам меҳр остида камол топишга ҳақли! Меҳрибонлик уйдаги шарт-шароитлар айрим оилалардагидан яхшироқ. Аммо тарбияланувчилар ҳар қанча эъзозланмасин, уларга қанчалик гамхўрлик кўрсатилмасин, болаларнинг гап-сўзларидан ўз оиласи бўлишини жуда-жуда истаётганини англаш қийин эмас.

Ниятимиз, ҳеч бир гўдак ота-она меҳридан мосuvo бўлмасин, ҳеч бир ота-она фарзандидан кечиб кетмасин, виждони овоzigacha қулоқ солсин!

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР АСОСИ

Бухоро вилоят "Баркамол авлод" болалар марказига қачон бормай, марказ директори Мавжуда Жамоловани тўғрақ раҳбари ё ота-оналар билан суҳбатлашадиган, тадбир ўтказадиган, машғулотларни кузатиб юрган, хуллас, фаолиятига дахлдор бирор юмуш билан банд ҳолда учратаман.

— Бухоро шаҳри ва туманлардаги барча «Баркамол авлод» болалар марказлари учун методик ёрдам кўрсатамиз, — дея изоҳ берди Мавжуда Жамолова. — Уларнинг фаолиятини ўрганиб, услубий-амалий кўмак берамиз. Ҳар чоракда ўқувчилар билми давлат талаблари асосида тест ва амалий синовдан ўтказилиб, мониторинг олиб борилади, натижалар умумлаштирилиб, директорлар ва услубчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама этилади. Суст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан тўғрақ раҳбарлари тегишли услубий қўлланма асосида яқна тартибда ишлайдилар.

Мавжуда Жамолова марказ фаолиятига оид маълумотномани бизга узатаркан, "Танишиб туринг", дея ўзи бир ҳодими билан нималарнидир муҳокама қила кетди.

Марказда "Тасвирий санъат", "Тўқиш", "Биҷиш-тиқиш", "Журналистика ва нотиклик", "Доира", "Рақс", "Фольклор", "Ёш қандолатчи", "Компьютер сервис хизмати" каби тўғрақлар фаолият юритиб, ҳар бир йўналиш бўйича машғулотларни ўз соҳасини устаси, олий маълумотли мутахассислар юқори савияда, ижодий ёндашув асосида олиб бормоқда. Жумладан, Сергей Фадеев, Дилдора Хамроева, Амина Саидова ва Салима Носирова раҳбарлик қилаётган "Тасвирий санъат" тўғрақларида ўқувчилар амалий санъат сирларидан сабоқ олаётган бўлса, Марғуба Файзуллаева «Фольклор», Фарангиз Аджалова «Рақс» ва Ойбек Нуруллаев «Доира» тўғрақлари машғулотларида санъатнинг ноёб турлари ва мусиқа асбобларини чалишни кунт билан ўргатмоқда.

Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, бир гуруҳ ота-оналар муурожаат этиб, инглиз тили тўғраги ташкил қилишни сўрашди. Уша пайт ўқув қўлланма йўқ эди. Инглиз тили тўғраги учун дастур ва қўлланма вилоят методика маркази томонидан яратилди. Ҳозир марказда 5та инглиз тили тўғраги фаолият кўрсатаётир.

Ўзингиз хаёлан бир чамалаб кўринг, вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида 36 номдаги тўғрақ ташкил этилган бўлиб, 540 нафардан ортик ўғил-қиз ўз билимини чуқурлаштириб, бошланғич касб-хунар сирларини эгалламоқда. Шаҳар ва туманларни кўшиб ҳисоблаганда 484та тўғраққа салкам 13 минг нафар ўқувчи жалб этилган. Тизимдаги 555 нафар педагог ходим ишлаётган муассасалар раҳбар ва услубчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар иштирокидаги кенгашларда кўриладиган масалаларни тайёрлаш, юзага келган муаммоларга ечим топиш, тўғрақлар самарадорлиги мониторингини таҳлилларни, турли тадбирларни ташкил

шаҳрида доим ишлар қизгин. Фаолият самарадорлиги ҳам юқори...

Шу пайт суҳбат устига "Бухоро" вилоят телевидениеси муҳаррири Меҳрибон Зарипова кириб келди. Кўришдик.

— Ҳар ҳафта "Болажон" кўрсатуви марказимиз болалари иштирокида тайёрланади, — дея изоҳ берди директор. — Бугун навбатдаги си тасвирга олинади.

— Болалар келишган бўлса керак? — сўради Меҳрибон.

— Тайёр, сизни кутишяпти, — шундай дея маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Муниса Адизовани чақиртирди. — Меҳрибон билан бирга кўрсатувга тайёргарликни ташкил этинг. Ўзим ҳам кейинроқ ўтаман.

Улар қиқиб кетган, суҳбатни узилган жойидан бошлади.

— Сифат ва самарадорлик

Maktabdan tashqari ta'lim

биринчи навбатда кадрлар савияси, салоҳияти ва яратилган шарт-шароитга боғлиқ. Туманларда ишлаётган тўғрақ раҳбарларининг муйайн қисми касб-хунар коллежларини тугатган — ўрта махсус маълумотли кадрлар. Шу боис уларнинг малакасини ошириш доимий диққат-эътиборда. Бу муҳим жараён узлуксиз, қатъий режа асосида олиб бориладиган.

Замонавий тикув машиналари, техник воситалар, ком-

пьютер, видеопроектор, рангли принтер, сканер, рақамли фотоаппарат, тўқув дастгоҳлари, дурадгорлик анжомлари, 4 минг нусхадан ортик китоб фондига эга кутубхона, мусиқа асбоблари... Хуллас, тўғрақ машғулотларини давлат талаблари даражасида ўтказиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Вилоят «Баркамол авлод» маркази инвестиция дастури доирасида 342, 9 миллион сўм маблағ эвазига таъмирланиб, 148 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари ва кўрғазматни қуруллар билан таъминланган. Маҳаллий бюджет ҳисобидан туманлардаги 14та марказдан 9таси капитал таъмирланди. Қолган 5тасини ҳам капитал таъмирлаш мўлжалланган.

Албатта, ҳамкорликсиз иш олға силжимади. Марказ вилоят телевидениеси, "Камалак" ташкилоти, "Ногиронлар" жамияти шаҳар бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан доимий алоқада. Шу тобда ходимлардан бири кириб, профилактика нозир келганини маълум қилди.

— Дарвоқе, 25-милиция таянч пунктнинг вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси инспектори Азиз Раҳимов ҳам яқин ҳамкоримиз, — дея уни менга таништирди. — Биргаликда тўғрақ аъзолари билан бўш вақтини мазмунли ўтказиш, гиёҳванд моддалар истеъмолнинг зарари тўғрисида

суҳбатлар уштирдик. Бу иллатларга берилишининг оғир оқибатлари тўғрисида фильмлар кўрсатилди...

Бирор тўғрақ фаолияти билан танишиш ниятида жондан чиқдик Мавжуда Жамолова йўл-йўлакай "Тасвирий санъат" тўғраги раҳбари Сергей Фадеевга рўпара қиларкан, унинг Ўзбекистон бадий академияси бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўқувчилик кезларим шу даргоҳдаги расм тўғрагига қатнаганман, тасвирий санъатга қизиқишим қатъий мақсадга айланган, — дея гап бошлади Сергей Фадеев қандайдир ички гуруҳ билан. — Кейин ҳозирги Бухоро давлат университетининг бадий графика факультетида таҳсил олдим. Қарийб қирқ йилдан бери шу ерда тўғрақ раҳбариман. Машғулотларни Салима Носирова, Амина Саидова билан бирга ўтказамиз.

Рассомликнинг сир-асорини хаёлимдан ўтказарканман, у киши шоғирдлари — болалар ҳақида тўлқинлиб гапирарди.

— Эҳ-хе, уларнинг ҳаммасини санаб бўладими? — деди самимий жилмайиб. — Тўғраққа қатнайдиган боланинг келгусида тасвирий санъат йўналишини танлаши муҳим эмас. Муҳими, бола санъатни англаб, меҳр кўйиб улғайсин. Санъатни кадрлайдиган, қалбда муҳаббат бўлган киши гузаллики эъозлайди, ёмонликдан тийилади, эзгуликни устувор билади.

Марказнинг вилоят маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрни, тўғрақ қатнашчиларининг кўрик-танловлардаги иштироки, қўлга киритилётган ютуқлар тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Вилоятда бирор тантанали байрам йўқки, марказнинг бадий нафосат йўналишидаги тўғрақ аъзолари қатнашмаган бўлсин! Улар ҳар бир байрамда вилоят аҳолисини ўз чиқишлари билан мамнун этиб, эл олқишини олишади.

Ана шундай тадбирларнинг фаол иштирокчиларидан бўлган «Зебигардон» рақс дастаси ўтган йили июль ойида «Миллий рақслар» республика кўрик-танловида қатнашиб, олий ўринни эгаллади.

Бир олам таассурот билан қайтар эканман, кираверишда ўқиганим — олтинранг товланадиган, зарҳал ҳарфларда ёзилган "Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса, қудратидан", деган сўзлар такроран диққатини тортиди. Президентимизнинг бу таъкиди бошқа таълим муассасалари сингари Бухоро вилоят "Баркамол авлод" болалар маркази жамоасини ҳам янада гайрат билан ишлашга ундаб тургани шубҳасиз.

Сора ТОШЕВА,
"Ma'rifat" муҳбири



БЎШ ВАҚТ БЕСАМАР ЎТМАЙДИ

Фаргона вилоятининг Учкўприк тумани "Баркамол авлод" болалар маркази ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, касб-хунар сирларини пухта ўзлаштиришига яқиндан кўмаклашмоқда.

Минг нафарга яқин ўғил-қизни бағрига олган марказда техник ижодиёт, бадий, ўлкашунослик каби йўналишларда қирқта тўғрақ фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йили тўлиқ реконструкция қилиниб, барча замонавий шароитлар яратилган, инглиз тили, тасвирий санъат, биҷиш-тиқиш, рақс, компьютер саводхонлиги тўғрақларига қатнаш истагида бўлган ёшлар сафи сезиларли даражада кенгайди.

Суратда: Фаргона вилоятининг Учкўприк тумани "Баркамол авлод" болалар марказида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ўза)
олган сурат.

2014-yil 22-fevral, № 16 (8665)

Қадимги юнон афсоналарига кўра, Кипр шоҳи ва ҳайкалтароши Пигмалион чиройда тенгсиз қизнинг ҳайкалини ясади ва унга Галатея деб ном беради. У ўз меҳнати самарасини кўралини сари унга бўлган муҳаббатни ортиб бораверади. Туну кун унинг олдига бўлиб, қимматбаҳо тухфалар, муҳаббатга тўла сўзлар билан сийлайди. Кунларнинг бирида Пигмалион севиги маъбудаси Афродитадан ҳайкални тириштириб беришни ёлвориб сўрайди ва қатъий ишончи ва кучли истаги тўғрисида мақсадига эришади.

Америкалик психологлар Роберт Розенталь ва Ленор Якобсон томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида ҳам ана шундай кучли ишонч ҳисси ётади.

«Пигмалион қонуният» номини олган руҳий ҳодисанинг миза хос жиҳати шундаки, киши бирор воқеанинг ҳаққоний эканига ишонч ҳосил қилса, унинг ривожини ўз нуқтаи назари, хатти-ҳаракатлари билан беихтиёр қутилган натижага мос тарзда яқинлайди.

1968 йили психологлар ўқув йили бошланғич оқиддан Сан-Франциско шаҳридаги мактаблардан бирига ўқувчиларнинг интеллектуал қобилияти(IQ)ни аниқлаш ва ҳар бир синфдан умидли ёшларни саралаб олиш учун ташриф буюришади. Олимлар сўровномалардан сўнг ўқитувчиларга юксак ақлий салоҳиятга эга ёшларни ажратиб кўрсатишади. Танланган болалар аслида бошқа тенгдошларидан ҳеч бир жиҳати билан ажралиб турмасди. Бундан хайратланган ўқитувчилар сабрсизлик билан мутахассис-психологнинг тасдиғини кута с.ш.лашади. Буни қарангки, психологлар ўқув йили охирида яна ўша мактабга бориб, танланган ўқувчилар юқори интеллектуал салоҳиятини намоян этишганига гувоҳ бўлишади. Яъни, олимлар таълим жараёнида иштирок этувчи ўқитувчиларни қаттиқ ишонтириш орқали қутулган натижага эришишади. Мактаб ўқувчилари эса устозлари билдирган ишонччи оқлаб, ўқишдаги натижаларини яхшилашади.

Пигмалион қонуниятини кўплаб соҳаларда қўллаш мумкин. Масалан, иш жараёнида ўз ҳодимларига ишонган, улардан ижобий натижа кутган раҳбар доим муваффақият қозонади. Беморнинг тузалди кетишига ишончи кучли бўлган шифоқор унинг тезда оёққа туришига сабабчи бўлади.

Ишонч муваффақиятга эришишнинг асосий омилли. Бугун ён-атрофимизга назар ташласак, ўзига бўлган мустаҳкам ишончи тўғрисида ҳам илм-фанда, ҳам спортга санъатда юксак натижаларга эришадиган ёшларимиз кўплигига гувоҳ бўлаемиз. Улар бу ишонччи оқида ота-онани, ака-опасидан, таълим муассасасида устоз ва тенгдошларидан, жамиятда маҳалла-қўйдан олиб илдам қадам ташламоқда. Шу боис уларнинг дунёқараши кенг, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб юксак марраларни забт этмоқда. Инсоннинг ўзига нисбатан ишончи ортишида муҳит ва шароит асосий рол ўйнайди.

«Гуруч курмасидек бўлмайди», деганларидек баъзан ўзига ишончи йўқ, қулоғига гап кирмайдиган ёшларни ҳам учратаемиз. Атрофда бўлаётган воқеаларга бепарво, ҳеч ким билан иши бўлмайдиган бу инсонларни кўриб, албатта, хавотирга тушаемиз.

Ўзига ишончи бўлмаган киши аксарият ҳолларда ҳам шахсий, ҳам касбий фаолиятда кўплаб муаммоларга дуч келади. Психологларнинг таъкидлашича, аксарият инсонлар руҳий ва жисмоний камчиликлари ҳақидаги ўй-хаёлларга берилиб нафақат ўзига бўлган ишончи, балки жамиятдаги ўрнини ҳам бой бериб қўяди.

Болаликдан пайдо бўладиган бундай қусурлар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмаса, келажакдаги муваффақиятсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ СИРЛАРИ



Ўзига ишончсизлик аломатлари

Болалардаги ўзига ишончсизлик учкунлари, уни келтириб чиқарувчи омиллар ва муаммони бартараф этиш йўллари ҳақида психотерапевт-шифокор, психолог Зебинисо Аҳмедова фикрлари билан қиздик:

— Одатда, бундай болалар уятчан, қатъиятсиз, журъатсиз ва камгаплиги билан тенгқурларидан ажралиб туради. Улар кўпинча, вақтни ёлғиз ўтказиб, турли жамоавий ўйинларда фаол иштирок этишга қўрқади. Шу боис дўстлари ҳам кам бўлади. Ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавобни билса-да, хато қилишдан қўрқиб, синфдошлари, умуман кўпчилик олдига жавоб бериб бериб қўймайди. Хатто, тенгдошлари олдига ҳаяжондан тайёрланиб келган мавзусини ҳам ёдидан чиқаради. Муваффақиятсизликлари натижасида мактабда ўзини ноқулай ҳис эта бошлаган бола охир-оқибат уйга талпинаверади. Ўзига ишонччини йўқотган, ҳар ерда беғонасирайверади, ҳеч кимга бўлиша олмайди. Бундай вазиятларда ота-оналар фарзанднинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, қандай муаммога дуч келадиганини пайқاشи лозим. Одатда боланинг боғча ёки мактабда муаммога учраганини жиъзақилиги, безовталиги ёки камгаплигидан билли олиш мумкин. Масалан, фарзанднинг чизаётган расми кўнгилдагидек чик-маса, дафтарни йиртиб ташлаши ёки кўгирчоғининг тугма-

ларини тақшига қийнаётганда уни жаҳл билан улоқтириши каби. Баъзи ота-оналар бундай ҳолларда фарзандига нисбатан қаттиққўллик қилиб муаммонинг янада газак олишига сабабчи бўлишади. Уйида ҳам меҳр ва эътибор кўрмаган бола эса бирор ноҳўя ҳаракат содир этиши ҳеч гап эмас.

Ишончсизликни келтириб чиқарувчи омиллар

Кичик ёшдаги болаларни кузатсангиз, улар ўзларини ҳар нарсага қодирдек ҳис этишига, ўзига ишонч чексизлигига амин бўласиз. Афуски, баъзи ота-оналар ўзи англамаган ҳолда фарзандига ишончсизлик руҳини синдириб боради. Уни муваффақиятлорек тенгдошлари билан солиштириб, нимжонлиги, ўқувсизлиги ёки

Фарзандингизга ўрнак бўлинг

«Кўш уясида кўрганини қилади», деганларидек, одатда бола ҳам ота-онасидан ибрат олади. Агар ўзига ишончи йўқ, тортинчак инсон бўлсангиз, фарзандингиз ҳам эмин-эркин ўсиши мушкул кечади. Шу сабаб фарзандингизга ёрдам беришдан олдин аввал ўзингиздаги нуқсонларни бартараф этинг.

Хаётингиз давомида ўзингизга бўлган ишончнинг ортирган дамларни эсланг. Ўзингизни ишонтириш орқали доим ушбу ҳиссиётларни руҳиятингизга синдиришга одатлангиз. Ҳеч қачон оғир жиҳатларингизни ўйлаб, ўзингиз ҳақингизда салбий фикрларга борманг. Баъзи кишиларнинг ўзига бўлган ишончини ён-атрофдагиларнинг уларга бўлган муносабати белгилаб беради.

Қачонки, улар ҳақида яхши фикрда бўлишса, ўзларига ишончлари ортади. Шунинг унутмаслик лозимки, ҳеч ким сизнинг имкониятингиз ва қобилиятингизни тўлиқ билмайди. Ўзингизни ҳурматга лойиқ инсон деб билсангиз, атрофдагилар ҳам сизга шундай муносабатда бўлишади. Ахир айтишади-ку, ўзини ҳурмат қилмаган инсон бошқаларни ҳам ҳурмат қилмайди, деб. Руҳиятингизга голиблик қайфиятини сингдиринг.

Инсоннинг ички хотиржамлиги, ўзига бўлган ишончи унинг хатти-ҳаракатларига кўчади. Шу боис гавдангиз, қадам ташлашингизга эътиборли бўлинг. Бўжқайманг, юрганнингизда ҳаракатларингиз аниқ ва раво бўлиши лозим.

Машқ қилиш орқали овозингизнинг турли диапазонларини ишга солишни, талаффузингиз ёрдамида қайфиятингизни, ҳис-туйғуларни ошқор этишни ўрганинг. Шунда ўзингизга бўлган ишончнинг намойиш этиш билан бирига, мулоқот жараёнида мақсадингиз йўлида суҳбатдошингизга таъсир ўтказиб, фикрингизни уқтира оласиз. Ана шу кўникмаларни ўзингизда ҳосил қилган, фарзандингиз сиздан ўрнак олса, арзийди.

Энди эса болангизга ишонч бағишловчи саккиз машғулот билан танишинг:

1-машғулот. «Менинг ҳиссиётларим».
Фарзандингизни тез-тез безовта қиладиган ҳиссиётлар (кўрқув, уятчанлик, ваҳима, ўзига ишончсизлик)ни аниқлаб олинг. Бола шу каби ҳолатларга тушиб қолгандаги вазиятларни мимика ва ўхшатма овозлар ёрдамида кўрсатиб бериш лозим. Шунда вазият унчалик ҳам кўринчли эмаслигини тушуниб етади.

2-машғулот. «Тугалланмаган ҳикоя».
Бошлаган ҳикоянгни фарзандингиз давом эттирсин. Ҳикоянинг ҳарми узндан-узққ бўлиши шарт эмас, аммо мантқан бир-бирига боғланиши керак.

Масалан, Она: «Қизалоқ кўчага ўйнагани чикди ва...».

Бола: «ва оппоқ кучкучани кўриб қолди» каби.

3-машғулот. «Автопортрет».

Болага ўз суратини чизди-ринг ва унга қараб кучли ва ўрнак бўла оладиган жиҳатларини аниқлашга ёрдам беринг. Кейин фарзандингизнинг ўзи ҳам суратга қараб четдаги одам сифатида ижобий жиҳатларини санаб чиқсин.

Масалан, «Бу суратдаги бола ақли, одобли ва кучли...».

4-машғулот. «Тошойна».
Фарзандингизнинг яхши хислатларини аниқлаб, уни ой-нага қараб ишлашга ўргатинг. Ойнадаги аксига қараб, ўзига яхши сифатлар билан баҳо берсин.
Масалан, «Тошойна, менга айт-чи, менмасми дунёдаги энг ёқимтой...».

5-машғулот. «Никоблар».
Фарзандингизга ўзига маълум кишилар ёки эртақ қаҳрамонларнинг образини ўхшатиб ижро этишини сўранг. Турли образларни ижро этиб бера оладиган болалар тенгдошлари билан ўта киришимли бўлади. Бу хусусияти уни уятчанлик ҳиссидан ҳам халос этади.

6-машғулот. «Телефонда суҳбатлашиш».

Хаёлан тасавуридаги суҳбатдоши билан жаҳлдор, мулоим, кўпол, ҳамдард ва бошқа оҳангларида гаплашишини сўранг. Бунда ҳам суҳбатнинг ҳажмига эмас, мазмунини ва ижро маҳоратига эътибор қаратиш лозим.

7-машғулот. «Эртақнамо мўъжиза».

Бирорта салбий характердаги эртақ персонажини айтинг. Фарзандингиз ўзи тўқиган эртагида мазкур қаҳрамоннинг ижобий жиҳатларини очиб берсин.

Масалан, эртагида бўри ёки тулкининг ижобий жиҳатларини айтиб берсин.

8-машғулот. «Қундалик».

Фарзандингизни ўзи билан боғлиқ кечинмазлар, воқеа-ҳодисаларни қоғозга туширишга ўргатинг. Бола ёзганларини вақти-вақти билан ўқиб турса, ўзидagi камчиликларини тушуниб етади ва яхши томонга ўзгаришга ҳаракат қилади.
Ота-оналар шу тарзда фарзандини мунтазам шуғуллантириш, унинг натижаларини катта қизиқиб билан рағбатлантириб борса, қутулган натижага эришиш мумкин.

Ота-оналар учун эслатма:

Агар фарзандингиз кичик ёшдаги болалар билан дўстлашишини маъқул кўрса, тушқинлик қилманг. Аксинча, уни қўлаб-қувватлаб, дўстларини вақти-вақти билан ўйга тақил қилинг. Фарзандингиз ўз уйда дўстлари билан мулоқотга киришиши осонлашади, шу йўл билан у ўзига бўлган ишонччи мустаҳкамлаб олади.

Фарзандингизга бағирса бўладиган вазифалар беринг ва эришган натижаларини рағбатлантириб бориңг. Бошланган ишини охиригача етказишни ўргатинг. Фарзандингизнинг хато қилишига ҳалақат берманг, шунда ўз камчиликларини тезда тушуниб етади. Унга бўлган ишончнинг билан куч бағишланг. «Сендан хавотирдман», дегандан кўра, «Сендан кўнглим хотиржам» деган маъқул. Фарзандингиз билан ҳаратлашинг, кўнглидагиларни очига имкон беринг. Вазият туғида дегуна унинг яхши жиҳатлари ҳақида сўзлаб, атрофдагиларга ўрнак қилиб кўрсатинг. Шунда сиз фарзандингизнинг муваффақиятли келажаги учун йўл очган бўласиз.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

ҚАЙТА НАШР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 3-MRT -2014/3
Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мақсур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўйиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой мuddатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шарт-

номалар бўйича мажбуриятлари тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашич буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мақсур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади қуйидаги жадвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув қўлланма номи	Тили	Ёзуви	Адади	Бир дона махсулотнинг максимал нархи (сўмда)	
1-синф						
1	Алифбе	ўзбек	лотин	498 270	1 762,28	
	Букварь	рус	кирилл	67827	2 430,78	
	Алифбе	қорақалпоқ	лотин	11318	3 649,91	
	Алифбе	қозоқ	кирилл	6177	4 232,38	
	Алифбе	қирғиз	кирилл	904	19 146,92	
	Алифбе	тожик	кирилл	5832	5 061,46	
2	Алифбе	туркман	лотин	998	17 696,05	
	Ёзув дафтари	ўзбек	лотин	498 270	761,26	
	Пропись	рус	кирилл	67 827	1 061,60	
	Ёзув дафтари	қорақалпоқ	лотин	11318	1 788,59	
	Ёзув дафтари	қозоқ	кирилл	6177	2 403,23	
	Ёзув дафтари	қирғиз	кирилл	904	10 521,34	
3	Ёзув дафтари	тожик	кирилл	5832	2 189,84	
	Ёзув дафтари	туркман	лотин	998	10 042,20	
	Она тили	ўзбек	лотин	498 270	1 420,26	
	Русский язык	рус	кирилл	67 827	1 530,77	
	Она тили (Ана тили)	қорақалпоқ	лотин	11318	2 622,53	
	Она тили (Ана тили)	қозоқ	кирилл	6177	3 766,20	
4	Она тили (Эне тили)	қирғиз	кирилл	904	16 606,23	
	Она тили (Забони модари)	тожик	кирилл	5832	3 362,88	
	Она тили (Ене дили)	туркман	лотин	998	17 209,68	
	Ўқиш китоби	ўзбек	лотин	498 270	1 526,90	
	Книга для чтения	рус	кирилл	67 827	1 806,24	
	Ўқиш китоби (Oqim kitabi)	қорақалпоқ	лотин	11318	2 992,74	
9	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қозоқ	кирилл	6177	4 194,14	
	Ўқиш китоби (Oquv kitabi)	қирғиз	кирилл	904	15 812,12	
	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожик	кирилл	5832	4 068,89	
	Ўқиш китоби (Oquv kitabi)	туркман	лотин	998	14 354,07	
	Азбука этики	рус	кирилл	67 827	990,00	
	Азбука этики	ўзбек	лотин	498 270	1 064,00	
10	Мусика	рус	кирилл	67 827	1 166,80	
	Мусика	қорақалпоқ	лотин	11318	1 832,78	
	Мусика	қозоқ	кирилл	6177	2 640,00	
	Мусика	тожик	кирилл	5832	2 463,58	
	Мусика	қирғиз	кирилл	904	10 412,38	
	Мусика	туркман	лотин	998	9 559,67	
2-синф						
14	Ўқиш китоби	ўзбек	лотин	498 270	2 191,72	
	Книга для чтения	рус	кирилл	67 827	2 750,33	
	Ўқиш китоби (Oqim kitabi)	қорақалпоқ	лотин	9880	4 040,12	
	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қозоқ	кирилл	5583	5 583,00	
	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожик	кирилл	5465	5 969,79	
	Ўқиш китоби (Oquv kitabi)	қирғиз	кирилл	918	24 205,63	
16	Ўқиш китоби (Oquv kitabi)	туркман	лотин	1014	19 545,38	
	Математика	ўзбек	лотин	498 270	2 490,00	
	Математика	рус	кирилл	67 827	2 903,00	
	Математика	қорақалпоқ	лотин	9880	4 705,54	
	Математика	қозоқ	кирилл	5583	6 858,44	
	Математика	тожик	кирилл	5465	6 948,25	
18	Математика	қирғиз	кирилл	918	28 368,90	
	Математика	туркман	лотин	1014	25 852,30	
	Одобнома	ўзбек	лотин	498 270	1 051,20	
	Одобнома	қорақалпоқ	лотин	9880	1 809,82	
	Одобнома	қозоқ	кирилл	5583	2 641,53	
	Одобнома	тожик	кирилл	5465	2 641,53	
19	Одобнома	қирғиз	кирилл	918	10 085,68	
	Одобнома	туркман	лотин	1014	8 917,38	
	Азбука этики	рус	кирилл	67 827	1 183,00	
	Азбука этики	ўзбек	лотин	498 270	1 673,29	
	Азбука этики	рус	кирилл	67 827	1 892,80	
	Азбука этики	қорақалпоқ	лотин	9880	2 895,72	
20	Тасвирий санъат	қозоқ	кирилл	5583	4 043,04	
	Тасвирий санъат	тожик	кирилл	5465	4 162,31	
	Тасвирий санъат	қирғиз	кирилл	918	15 673,32	
	Тасвирий санъат	туркман	лотин	1014	14 267,80	
	Тасвирий санъат	ўзбек	лотин	498 270	1 136,88	
	Тасвирий санъат	рус	кирилл	67 827	1 263,38	
21	Мусика	қорақалпоқ	лотин	9880	2 267,71	
	Мусика	қозоқ	кирилл	5583	2 831,05	
	Мусика	тожик	кирилл	5465	2 831,05	
	Мусика	қирғиз	кирилл	918	12 820,29	
	Мусика	туркман	лотин	1014	11 665,48	
	Мусика	ўзбек	лотин	498 270	1 614,00	
22	Жисмоний тарбия	рус	кирилл	67 827	1 881,84	
	Жисмоний тарбия	қорақалпоқ	лотин	9880	3 084,76	
	Жисмоний тарбия	қозоқ	кирилл	5583	4 195,60	
	Жисмоний тарбия	тожик	кирилл	5465	4 252,70	
	Жисмоний тарбия	қирғиз	кирилл	918	16 831,47	
	Жисмоний тарбия	туркман	лотин	1014	15 398,77	
3-синф						
23	Она тили	ўзбек	лотин	452489	1 789,31	
	Русский язык	рус	кирилл	61455	2 968,11	
	Она тили (Ана тили)	қорақалпоқ	лотин	9880	3 257,68	
	Она тили (Ана тили)	қозоқ	кирилл	5810	4 110,28	
24	Она тили (Забони модари)	тожик	кирилл	7404	3 705,75	
	Она тили (Эне тили)	қирғиз	кирилл	893	15 658,48	
	Она тили (Ене дили)	туркман	лотин	1014	14 297,34	
	Ўқиш китоби	ўзбек	лотин	452489	2 756,48	
	Книга для чтения	рус	кирилл	61455	3 175,71	
	Ўқиш китоби (Oqim kitabi)	қорақалпоқ	лотин	9880	4 654,76	
	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қозоқ	кирилл	5810	5 940,18	
	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	тожик	кирилл	7404	5 459,89	
	Ўқиш китоби (Oquv kitabi)	қирғиз	кирилл	893	23 650,70	
	Ўқиш китоби (Oquv kitabi)	туркман	лотин	1014	21 168,22	
	Ўзбек тили	рус	лотин	61455	1 992,53	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	9880	1 992,53	
25	Ўзбек тили	қозоқ	лотин	5810	1 992,53	
	Ўзбек тили	тожик	лотин	7404	1 992,53	
	Ўзбек тили	қирғиз	лотин	893	1 992,53	
	Ўзбек тили	туркман	лотин	1014	1 992,53	
	Ўзбек тили	ўзбек	лотин	452489	1 192,87	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	9880	2 171,79	
28	Одобнома	қозоқ	кирилл	5810	3 169,83	
	Одобнома	тожик	кирилл	7404	2 470,50	
	Одобнома	қирғиз	кирилл	893	12 943,75	
	Одобнома	туркман	лотин	1014	10 700,85	
29	Азбука этики	рус	кирилл	61455	1 566,00	
	Азбука этики	ўзбек	лотин	452489	1 849,65	
	Азбука этики	рус	кирилл	61455	2 237,14	
	Азбука этики	қорақалпоқ	лотин	9880	3 629,13	
32	Жисмоний тарбия	қозоқ	кирилл	5810	5 040,08	
	Жисмоний тарбия	тожик	кирилл	7404	4 447,88	
	Жисмоний тарбия	қирғиз	кирилл	893	22 202,51	
	Жисмоний тарбия	туркман	лотин	1014	19 706,61	
	8-синф					
	33	Она тили	ўзбек	лотин	421734	1 596,85
Русский язык		рус	кирилл	47 038	1 871,12	
Қорақалпоқ тили (Qoraqalpoq tili)		қорақалпоқ	лотин	10075	2 818,02	
Қозоқ тили (Qazaq tili)		қозоқ	кирилл	5472	3 620,32	
Қирғиз тили (Qirgiz tili)		қирғиз	кирилл	843	16 438,28	
Тожик тили (Zaboni tojiki)		тожик	кирилл	7830	2 940,16	
35	Туркман тили (Turkmen dili)	туркман	лотин	1021	12 405,32	
	Ўзбек тили	рус	лотин	47038	1 771,14	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	10075	1 771,14	
	Ўзбек тили	қозоқ	лотин	5472	1 771,14	
	Ўзбек тили	қирғиз	лотин	7830	1 771,14	
	Ўзбек тили	тожик	лотин	843	1 771,14	
36	Ўзбек тили	туркман	лотин	1021	1 771,14	
	Ўзбек тили	ўзбек	лотин	421734	2 267,32	
	Ўзбек тили	рус	кирилл	47 038	3 090,13	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	10075	4 858,97	
	Ўзбек тили	қозоқ	кирилл	5472	6 711,81	
	Ўзбек тили	тожик	кирилл	7830	5 494,73	
38	Ўзбек тили	қирғиз	кирилл	843	28 604,80	
	Ўзбек тили	туркман	лотин	1021	24 513,61	
	Ўзбек тили	ўзбек	лотин	421734	2 309,00	
	Ўзбек тили	рус	кирилл	47 038	3 082,00	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	10075	5 059,22	
	Ўзбек тили	қозоқ	кирилл	5472	6 867,97	
46	Ўзбек тили	тожик	кирилл	7830	5 759,86	
	Ўзбек тили	қирғиз	кирилл	843	31 510,32	
	Ўзбек тили	туркман	лотин	1021	26 463,85	
	Ўзбек тили	ўзбек	лотин	421734	1 222,20	
	Ўзбек тили	рус	кирилл	47 038	1 461,00	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	10075	2 308,69	
48	Ўзбек тили	қозоқ	кирилл	5472	2 348,40	
	Ўзбек тили	тожик	кирилл	7830	2 923,20	
	Ўзбек тили	қирғиз	кирилл	843	15 379,20	
	Ўзбек тили	туркман	лотин	1021	13 691,15	
	9-синф					
	48	Адабиёт (1-қисм)	ўзбек	лотин	426540	2 100,41
Адабиёт (2-қисм)		ўзбек	лотин	426540	2 100,41	
Литература (1 часть)		рус	кирилл	42943	3 499,65	
Литература (2 часть)		рус	кирилл	42943	3 504,68	
Адабиёт (A'debiyat)		қорақалпоқ	лотин	10075	7 130,95	
Адабиёт (Эдебиёт)		қозоқ	кирилл	5592	7 792,00	
Адабиёт (Адабият)		қирғиз	кирилл	843	44 268,48	
Адабиёт (Адабиёт)		тожик	кирилл	7830	8 180,43	
Адабиёт (Edebiyat)		туркман	лотин	1021	34 163,90	
Ўзбек тили		рус	лотин	42943	1 771,14	
Ўзбек тили		қорақалпоқ	лотин	10075	1 771,14	
Ўзбек тили		қозоқ	лотин	5592	1 771,14	
Ўзбек тили	қирғиз	лотин	7830	1 771,14		
Ўзбек тили	тожик	лотин	843	1 771,14		
Ўзбек тили	туркман	лотин	1021	1 771,14		
50	Ўзбек тили	ўзбек	лотин	426540	2 499,03	
	Ўзбек тили	рус	кирилл	42943	3 315,68	
	Ўзбек тили	қорақалпоқ	лотин	10075	5 166,84	
	Ўзбек тили	қозоқ	кирилл	5592	7 041,01	
	Ўзбек тили	тожик	кирилл	7830	5 834,71	
	Ўзбек тили	қирғиз	кирилл	843	30 648,86	
Ўзбек тили	туркман	лотин	1021	26 113,42		

Yangi rukn:

Jilg'a

Хар қандай айқин дарёга ҳам жилгалар, ирмоқлар келиб қўшилиб турмаса, охир-оқибатда сазлашиб, ҳатто қуриб қолиши мумкин. Адабиёт дарёси ҳам шундай: унга янги-янги жилгалар — навқирон адабий кучлар, истеъдодлар қўшилиб турмаса, нафис сўз дунёси ғариблашиб қолади. Шукрки, адабиётимизда бундай қисмат кутилмайди. Бугунги адабий жараёнга шунчаки бир назар ташлаганда ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбек адабиёти умидли иқтидор эгаларига бой. Кўплаб нашриётларда чоп этилаётган китоблар фикримиз далилидир. Тўғри, улар орасида мазмунан сазроқлари ҳам бор (ҳамма замонларда ҳам шундай ҳол кузатишган). Бироқ ҳақиқий сўз санъати намуналари ҳам кўп. Адабиётнинг бойлиги ана шу етук асарлар билан белгиланади.

XXI аср ўзбек адабиётига теран фикрли, дунёга очиқ кўз билан қараётган, дунё кўрган ва таниган, хорижий тилларни билган янги авлод кириб келаётган. Гапни чўзиб ўтирмай, бир қувонарли ҳодиса — истиқлол йиллари аслиятдан таржима қилишга ўз истеъдодини бағишлаётган ёшлар пайдо бўлганини айтиши билан кифояланамиз (улар, хусусан, инглиз, немис, хитой, корейс тилларидан таржималар қилмоқдалар). Адабиётимизнинг ана шу энг кенжа авлодига мансуб умидли қаламкашлардан бири Олим Жумабоевдир.

Адабиёт мухлислари Олимжонни матбуотда



Маҳмуд САЪДИЙ

чиққан ҳикоялари, «Харсантош ноласи» («Академнашр», 2013) қисса ва ҳикоялар тўплами орқали билади. Бу ёш қаламкашнинг биткилари қандай хусусиятлари билан эътиборни тортади? Аввало шуки, Олимжон ўзи яхши билган ҳаёт воқеалари, ўзи ҳар кунни кўриб, учратиб юрган одамлар, уларнинг феълатвори, яхши-ёмон амаллари ҳақида ёзади; қурби етганча сўзларни чертиб-чертиб, тежаб шилатишга уринади, воқеа-ҳодиса ва одамларнинг қилмишлари, қилиқларини тасвирлашга иштилади, баёнчиликдан қочади. Бу, фикримча, яхши фазилат. Ёш адиб шу тўғри йўлдан чалғимаса, сўзни масъулият билан, ҳис қилиб ишлатиш принциpidан чекинмаса, доимо ўзи қаламга олаётган ҳаёт воқеаларининг моҳиятини чуқур очиб бериш пайдидан бўлса, ўйлайманки, адашмайди, яхши самараларга эришади.

Умидли, меҳнаткаш, устод Миртемир ибораси билан айтганда, уринчоқ навқирон адибимиз Олимжонга савобли ва машаққатли, масъулятли соҳа — адабиёт дунёсида ўз мустақил ўрнини топишига тилакдошимиз.

Маҳмуд САЪДИЙ

ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

Сўнги икром

Вақт инсон қошида тиз чўди: — Мен сенинг улуғлигингни барчага айтиб ўтман.

Инсон ўқинди: — Кечир, мен сенга кўп хиёнат қилдим.

Арз

Кўнгил вужуддан ўпкалади: — Сен мени буздинг! Вужуд истеҳзоли кулди-да, деди: — Ўзинг, шунга мойил эдинг-ку!

Фов

Тақдир кўча-кўйда барчага бахт улашарди. Ҳамма унинг олдига ошиқарди. Шу тобда Дангаса уйда мириқиб ухларкан, эшик ғийқиллаб Меҳнатнинг овози эшитилди:

— Тур, Тақдирнинг қошига чиқайлик! Тагин, қуруқ қоласан!

Дангаса эснади: — Ҳали замон шу ёққа юради... Ўз оёғи билан олдимга келади, ўшанда бемалол оламан... Ҳозир тинчимни бузма!

Хулоса

Устоз-шоғирд дунё кезиб, ахири, ўрмондаги торгина кулбада учрашди.

Устоз чаккасини қашиди: — Менимча, Дарвиннинг гапига жон бор. Уларнинг ранги, кўриниши иқлимга мослашган.

Шоғирд бироз оғринди, аммо мум тишлади. Кейин ноилоҳ унга юзланди:

— Тафаккур-чи, инсон онгли-ку!

Устоз кулба даричасини очаркан, деди: — Бу аксиома...

Ташқаридан қий-чув эшитилиб, устознинг пешонасига банан пўчоғи отилди-ю, у ортага тисарилди: — Шунинг учун ҳам инсоният давом этмоқда! Маймунлардан асрасин!

Ютуқ ва ютқиқиқ

У гўзаллик ортидан қувди. Югура-югура етиб, Гўзаллиқни кафтига олди:

— Нега бунча гамгинсан?

Гўзаллик бошини кўтарди: — Мен сени ақли деб ўйлагандим.

Йигитнинг кўзлари тийрақлашди: — Ҳеч, афсусланмайман.

Гўзаллик таажжубланди: — Нега?

— Сени қидирмаганимда, Ақлни топмасдим...

ИКИР-ФИКРЛАР

Кувват

Унинг ҳеч вақоиси қолмади. Ишончдан бўлак...

Кўпкари

Кўпкари мардлар ўйини. Улоқ такадан бўлиши керак. Таканинг териси қалин, тортишганда чидамли.

Байталда улоқ чопилмайди... Улоқни айғир кўтарди.

Лекин, улоқ кўтарган полвон ҳамиша эркак бўлавермайди...

Қадрсизнинг қадри

Пойдеворсиз иморат йўқ. У бинони кўтариб туради, ерга ботиб кетмайди. Пойдевор қийшиқ бўлса, иншоот узоқ яшамайди, қулайди. Бино тақдирини унга боғлиқ. Пойдеворнинг қадри ер, қадри осмон. У гумбаздан балинд.

Тобутига ёмғир теккан...

"Тобутига бир томчи ёмғир теккан киши жаннати бўларкан!" дерди бобом. Ёзнинг қоқ чилласи. Бир чол бандалиқни бажо келтирди. У бировнинг чўпини ҳам сўраб оладиган, гина-қудуратдан йироқ, беш вақт намозини қанда қилмайдиган, ғоятда содда киши эди.

Кун ёришганда осмон очиқ, булутдан асар ҳам йўқ эди. Вақт чошгоҳга етганда майитни жума намозидан қолдирмаслик учун эл тобутни кўтариб, қабристон сари йўналди. Шунда дафъатан қўлда пага-пага булутлар пайдо бўлиб, кўёш юзини хира қилди ва ёмғир томчилай бошлади...

Майитни ерга топшириб, қишлоққа қайтганимизча ёмғир шигалаб ёғиб турди, кейин тинди...

Олим ЖУМАОБОВ

ЭН

Ҳикоя

рофга серсолди; қашқа, қорни катта — дамак, бўйнида "мунчоғ"и бор. У бойчечак узиб қавшадиди, Пўлатнинг тағғидан хурқмай унга томон юрди.

— Эн солишга қичовмиди? Бировники қўшилган, дегандим-ку! Пўлат кўлидаги қирқликни ўйнатди:

— Ёмғирда қонагани билинмайди. Кунлар исигунча қотиб кетади.

— Ма, тўйдан ош берувди. Ўчоққа қўйиб, иситиб е!

Сафарали бобо сурувни қоронгиталашгача бўз — ажриқзорда боқиб, сўнг чортоққа қамади. Кўнгли ғаш, миясини ачитаётган муаммога ечим изларди: "Бегона деганим, тўқлини эмиб юрибди. Ўзимизникимикан? Шарманда қилмасин, ишқилиб. Омонат ёмон, ўзингизники бўлса бошқа гап".

Ўтовда Пўлат чой хўллаб ўтирарди.

Чол чопонини қайириб, пўстакка қўниб, гап бошлади:

— Чўпонлик осонмас, болам! Чидам керак, ҳали этинг бўш.

Ўқишни бекор ташладинг! Ўн кунда шалвираб қолдинг, бутун умр сурувнинг орқасидан юриш... Бугун бор, эртага йўқман, менинг давримда бир касбни ушла, дейман-да! Ҳеч ким бошингни силаб, пул бермайди.

Пўлат ўмовини кўтарди:

— Ўқимаган, кўчада қолаятти-ми?

Чол истеҳзоли кулди:

— Йўғ-эй, бошлаган ишингни охирига етказмаслигингни айтаман. Бирор хунарнинг бошини туссанг, меҳнатини, қийинчилигини бўйнингга олишинг керак. Хиёнат қилмасанг, кўкарасан!

Пўлат отасига чўй узатди.

— Эртага тушгача шу ерданман. Эрталаб қишлоққа тушиб туз пули ййг. Кейин анавининг эгаси чиқса, бер! Тагин, талашиб юрма! Эгаси чиқмаса, Чучукхоннинг болаларига берамиз. Улар ҳам қўй боқсин! Тўрт-беш йилда ҳовлиси туёққа тўлади.

Пўлат қўй боқиш гаштини хаёлидан ўтказиб ширин энтикди.

Сафарали бобо тўйда яна овоза қилди: "Бизди сурувда бир бегонаси бор, маъраб уйку бермайди. Кўзимни, дейман. Қариб кўз қуруғ ўтмаяпти, бўлмаса, энга қараб топиб суюнчисини ундирардим".

Мамадали чўпон унга гап қотди:

— Кўзининг суюнчисини нима бўларди, ини? Лекин ўзингизни-кинни танимай ўлиб қолманг-да, тагин! Кўй дегани маърайверди.

Бобо кўрсатиш бармогини авайлаганнамо тишлаб қолди:

— Овозидан биламан-да, ота! Менимча, янтоқ битгандан бери қўй боқаман-ов! Шунда суяқ қотган, нонини еганман. Сурувда саккиз уйнинг қўйи бор. Қизик, Муртозанинг қўйи Ирисникига ўхшамайди. Кўзисиям шу. Кейин ҳадеб зориллайверса, кўз ўнгингиздан кетмай қоларкан...

Хонани пичир-пичир тутди. Улар сел пайти фалончининг қўйини сел оқизганини қайси-дир чўпоннинг эчкиси жалада ишииб кетгани ва зўрга пичоққа илинтерганини айтишди. Бу орада хонанинг ўзида қўй йўқотган кўпайди.

— Борсин, кўрсин, таниса олади, — деди бобо.

Тўй тарқалди.

Бобо кечга яқин Отабой кири ёқалаб Подаятоққа келаркан, адирдан тушиб кўзда шудгорланган, қизгалдоқ, исмалоқ, читир бодраган сойликка томон ўрлаётган сурувни кўриб кайфи учиб, эшак биқинига халачўп ниқтади. Пўлат дўнглиқдан хуштак чалди. Эшак тепсиниб чолди. Бобо эгарга маҳкам ўтирди. Сангноққа етиб сурувнинг йўлини қайтарди: "Дамлаб ўласан, баринг! Қайт-эй, нафсингдан осилмай кетгур!".

Бари йиғилган, қўзиларнинг қулонига белги туширилганини кўриб афти буришди: "Оббо, эн солиб қўйибди-ку! Ўнг қулоқ учидан кесибди". Энга қараб бегонасини ажратолмагач, санади, барибир, битта қўп. Кўнглида бир гаюр ўй югурди: "Уч марта айтдим, энди ҳалол. Йўқ. Ҳей, шу битта кўзи билан каму кўст битармиди? Борининг баракасини берсин! Ҳафта охиригача кутай-чи, бир бечоранинг тўйга атаганидир".

Кўзичоқ чўзиб, қулқонни коматга келтириб маъради. Бобо ат-

2014-yil 22-fevral, № 16 (8665)

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛАЯПТИ

Сурхондарё вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг республика босқичига пухта тайёргарлик кўриляпти.

Дастлаб туман босқичида голибликни қўлга киритган ўғил-қизлар саралашнинг иккинчи босқичида спортнинг 16 тури бўйича омадларини синаб кўришди. Қизгин ўтган баҳсларда 220 нафар иқтидорли ёш спортчи танлаб олинди. Улар тажрибали мураббийларга бириктирилиб, Термиз шаҳри ва туманлардаги барча шароитларга эга спорт иншоотларида тайёргарлик машқларини бошлаб юборишди.

— Ўғил-қизларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш,

уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камолга етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Бобур Боборахматов. — Нуфузли спорт байрамида иштирок этадиган спортчиларимизнинг руҳий тайёргарлиги юқори даражада. Улар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда маънавий мураббийлар қўл остида машғул олиб боришмоқда. Аксарияти «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида қат-



нашиб тажриба орттирган спортчи ёшлар. Умид қиламизки, ёшларимиз Наманган шаҳрида ўтадиган «Баркамол авлод—2014» спорт мусобақаларининг финал босқичида голиблик учун муносиб кураш олиб боришади.

Яратиб берилган шароитлардан руҳланган сурхондарёлик ёшлар ўз иқтидорларини намоян этиб, билдирилган ишонччи оқлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда.

Н.ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ўзбекистон шахматда Самарқанд шахмат мактабининг алоҳида ўрни бор. Айни дамда мамлакатимизнинг рейтингини энг юқори 10 шахматчисидан 5 нафари самарқандлик гроссмейстер ва халқаро тоифадаги спорт усталари эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Вилоятда улар изидан келатган иқтидорли ёшлар жуда кўп. Шулардан бири Нуробод туманидаги 75-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси Севинч Алимова яқинда шахмат бўйича пойтахтимизда ўн ёшли қизлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади.

ШАХМАТЧИ ҚИЗ — СИНФДА ЭНГ АЪЛОЧИ

Бу спорт турига меҳр қўйган Севинч шахмат-шаҳкага ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида «ақл гимнастикаси» сирларини иштиёқ билан ўрганмоқда. У интилиши, қизиқиши, чаққонлиги ва тиришқоқлиги самараси ўларок, илк галабасини 2010 йили 8 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигида қўлга киритди. Эндиликда у вилоят ва республика мусобақаларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2012 йили 8 ёшли қизлар ўртасидаги Республика чемпионатида 2-ўринни, Гулистон шаҳрида 12 ёшгача қизлар ўртасида ўтказилган «Камолот шахмат тахтаси» мусобақасининг республика финал босқичида 3-ўринни қўлга киритди.

— Хар бир боланинг яшириниб ётган, ҳали юзага чиқмаган иқтидори бўлади, — дейди Севинчнинг отаси, Нуробод туманидаги 75-мактаб ўқитувчиси Юнус Исмоилов. — Қизимдаги шахматга бўлган қизиқишни кўриб, ушбу спорт тури сирларини ўзим билганимча ўргатишга киришдим. Кўп ўтмай у ўз зехни ва тиришқоқлигини намоян эта бошлади. Мактабга боргач уни шахмат тўрагага бердик. Дарсларни ўзлаштириш ёмон эмас, синфнинг энг аълочи ўқувчиларидан. Устоз-

лари ҳам унинг маҳорати ошишига ўзларининг муносиби ҳиссаларини қўшиб келишаётир.

— Шахмат билан 5 ёшимдан шуғулланиб келаман, — дейди С. Алимова. — Дадам ва устозларим мендан ёрдамларини аяшмайди. Орузим — келгусида халқаро мусобақалар, жумладан жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб юртимиз байрогини баланд кўтаришдир.

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қатта эътибор қаратилган. Ёшларимиз учун шахару қишлоқларда барча шароитлар яратилган. Қувонарлиси, мана шу эътиборга жавобан олиш қишлоқлардан етишиб чиқётган ёш спорт усталари, мамлакатимиз шухратини жаҳон саҳнасига олиб чиқишмоқда. Айни пайтда Севинч Алимова жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида 8-12 ёшли ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осие биринчилигига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳасим ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратда Севинч Алимова.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭ УЧУН ҚАЙИҚЛАР

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг иғлишида 2013 йилда 113та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани, уларнинг зamonaviy инвентарлар ва малакали мураббийлар билан таъминланаётганига алоҳида эътибор қаратилади. Болалар спорт объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Спорт инвентарлари ишлаб чиқариш бўйича тажрибага эга корхоналардан бири Самарқанд туманидаги «Stekloplastik» акциядорлик жамияти жамоаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассислари, спорт федерациялари билан ҳамкорликда махсуслот турини кўпайтириш ва сифатини ошириб боришни мақсад қилган. Спорт иншоотлари ва залларини зamonaviy жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида корхонада биргина 2013 йилнинг ўзида 60 турдаги 3 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ишлаб чиқарилди.

«Stekloplastik» акциядорлик жамияти томонидан ўтган йилдан бошлаб сув ҳавзалари учун пластмасса йўлакчалар ва ўқув машғулотларига мўлжалланган спорт қайиқлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши Сергели ўқув спорт-техника клуби томонидан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда ўқ отиш спортга бўйича туман биринчилиги ўтказилди.

МЕРГАНЛАР МУСОБАҚАСИ

Мусобақада тумандаги 13та умумтаълим мактабининг 6—7-синф ўқувчилари иштирок этди. Ҳар бир жамоа таркибида 5 нафардан иштирокчилар қатнашди.

Қизгин ва мurosасиз кечган баҳслар натижасига кўра, тумандаги 284-мактаб жамоаси юқори натижаларни қайд этиб, 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин 301-мактаб ўқувчиларига насиб этган бўлса, учинчи ўринни 305-мактаб жамоаси қўлга киритди. Голиб жамоалар ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

— Бугун ёшларимиз ўртасида байдарка ва каноэда эшкак эшишга қизиқиш ортиб ушбу спорт турининг тобора оммалашиб бораётгани, спортчиларимизнинг қатор муваффақиятларга эришаётгани бундай қайиқларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизга туртки бўлди, — дейди жамият бошқаруви раиси Ўқтам Саидмуродов. — Янги тайёрланган махсуслотларимиз спортчилар, мутахассислар томонидан синовдан ўтказилди, уларнинг зарур тақлиф ва тавсиялари инобатга олинди. Тақомиллаштирилган спорт қайиқларимизга бугунги кунда хорижда ҳам талаб катта. Ўтган йилнинг ўзида Андижон ва Фарғона вилоятларига 30дан ортиқ спорт қайиқлари етказиб берилди. Жорий йилда эса юртимизнинг турли худудларидан, хатто қўшни Қозғоғистондан ҳам кўплаб буюртмалар тушган.

Айтиш жоизки, дунёнинг sanoqli davlatlaridagina ишлаб чиқариладиган бундай zamonaviy қайиқлар юртимизда мураккаб спорт турларидан бири бўлган байдарка ва каноэда эшкак эшишнинг янада оммалашуви, аyniqsa, иқтидорли ёш спортчиларни тайёрлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Айни пайтда, корхона жамоаси томонидан профессионал спортчилар учун мўлжалланган қайиқлар тайёрлаш, шунингдек, гимнастика жиҳозлари ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб борилаётир.

Илҳом ЖЎРАЕВ

КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА МУРАББИЙЛАР КЎМАГИДА

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларни катта спорт сари рағбатлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бермоқда. Буни Андижон вилояти шаҳар ва қишлоқларидаги спорт иншоотлари мисолида ҳам кўриш мумкин.



Андижон шаҳридаги ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 550 нафардан зиёд ўғил-қиз эркин кураш, тазквондо, оғир атлетика, бадий гимнастика, сузиш каби спортнинг 14 тури билан мунтазам шуғулланади.

Кўркам қиёфадаги, zamonaviy усулда жиҳозланган мактабининг машғулот заллари ва майдончалари, сузиш ҳавзаси ҳамisha ёш спортчилар билан гавжум. Кенг имкониятлар ва мураббийлар кўмагида чемпионлик сари дадил интилаётган мактаб тарбияланувчилари вилоят ҳамда мамлакат миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Суратда: Андижон шаҳридаги ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан лавҳа.

Зухридин УМРЗОҚОВ
(ЎЗА) олган сурат.



СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Соғлом авлодни тарбиялаш — мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий спорт иншоотлари барпо этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бекиёс ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 5 майда қабул қилинган “Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган “Ёшлик” спорт мажмуаси болаларнинг сеvimли масканларидан бири. Бу ерда йигирма олти нафар малакали мураббий болаларга байдарка ва каноэда эшак эшиш, академик эшак эшиш, футбол, ба-

дий гимнастика, каратэ, белбогли кураш ва стол тенниси каби спорт турлари бўйича сабоқ бермоқда.

Соғлом авлодни камолга етказишдек муҳим вазифани амалга ошириш жараёнида мазкур маскан 441 ўқувчи-ёшларнинг бўш

вақтини мазмунли ўтказишга қўмаклашаётир. Спорт комплексидан турли ёшдаги шугулланувчилар учун барча шароитлар яратилган, машгулотларнинг қулай ва мос жадвали ишлаб чиқилган.

Бунинг самарасида “Ёшлик” спорт мажмуаси тарбияланувчилари орасида республика ва халқаро миқёсдаги чемпионатларда голиб бўлган ёшлар кўп.

Суратларда: машгулотлар малакани оширади. Мураббий Шоакбар Шофайзиев ва ёш спортчи Дилмурод Сураатов. Машгулотдан аввал шифокор тиббий кўригиди.

О.МИРСОАТОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Февраль — математика ва информатика fanlari oyligi



Юнусобод туманидаги 273-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчилари дарселарни илгор педагогик технологиялар ва АКТ воситаларида ўтишга алоҳида аҳамият қаратади. Мавзуларни тушунтиришда дарслик билан чекланиб қолмай, қўшимча

манбалардан ҳам унумли фойдаланадилар. Айниқса, интернет материаллари орқали машгулотларнинг янада қизиқарли бўлиши таъминланади. Февраль — математика ва информатика fanlari oyligi ҳам мактабда юқори савияда ташкил этилмоқда. Ойлик доирасида «Биз ал-Хоразмий издошларимиз» кўрик-танловининг мактаб bosqichi namunali ўтказилди.

— Кўрик-танловда 5–9-синф ўқувчилари билиmlarini синаб кўрдилар, — дейди мактаб директори М.Саидова. — Иштирокчиларнинг қўлиги аниқ fanlarга қизиқиш ортиб бораётганини билдиради. Кучли рақобат остида ўтган танлов голиblari туман bosqichida ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Xalq ta'limi vazirligi, Ўзбекистон Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Ўзбекистон Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150, Г-226
Тиражи 67180.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib basish ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qililmaydi va maallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotavda erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Aziz NORQULOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 21.15
Topshirildi — 22.00